

Биз геосийосий зиддиятлар, хавфсизлик муаммолари, йирик минтақавий можароларнинг ҳамда барқарор тараққиётга нисбатан ижтимоий ва иқтисодий таҳдидларнинг кучайишига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Аёнки, ҳеч бир минтақа кенг халқаро ҳамкорликсиз бу қадар мураккаб масалаларни мустақил ҳолда ҳал этишга қодир эмас.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

MARKAZIY OSIYO – YEVROPA ITTIFOQI
BIRINCHI SAMMITI
“Kelajakka investitsiyalar”
Samarqand, 2025-yil 4-aprel



FIRST CENTRAL ASIA – EUROPEAN UNION
SUMMIT
“Investing in the Future”
Samarkand, 4 April 2025



МУНОСАБАТЛАРНИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА КЎТАРИШ УЧУН МУҲИМ ҚАДАМ ТАШЛАНДИ

4 апрель куни Самарқанд шаҳрида Президент Шавкат Мирзиёев раислигида «Марказий Осиё – Европа Иттифоқи» биринчи саммити бўлиб ўтди.

«Келажакка инвестициялар» шиори остида ўтган тадбирда Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта, Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен, Қозғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов, шунингдек, Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо ҳамда Европа инвестиция банки раҳбарияти иштирок этди.

Кун тартибига мувофиқ, Мар-

казий Осиё давлатлари ва Европа Иттифоқи ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар ва амалий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди.

Инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш ва товар айирбошлашни кўпайтириш, инновациялар, «яшил» энергетика, тоғ-кон, қишлоқ хўжалиги, транспорт, логистика ва рақамлаштириш соҳаларида қўшма дастур ва кооперация лойиҳаларини илгари суриш, маданият, туризм, фан, таълим ва бошқа устувор йўналишларда

фаол алмашинувларни давом эттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари тадбирни очар экан, Марказий Осиё ва Европа ўртасидаги чуқур тарихий илдизларга эга муносабатлар жадал ривожланиб, мустақамланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Саммит арафасида бўлиб ўтган конструктив ва самарали учрашувлар икки минтақа манфаатлари йўлида шериклик ва амалий ҳамкорликни чуқурлаштиришга бўлган сиёсий ирода ва қатъиятнинг намоён этди.

>>> 3

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ВА ФАРОВОНЛИК УЧУН МИНТАҚАВИЙ БИРДАМЛИК МУСТАҚАМЛАНАДИ

4 апрель куни «Буюк ипак йўли» халқаро туризм мажмуасидаги конгресс марказида биринчи Самарқанд халқаро иқлим форуми ўз ишини бошлади.

Форумнинг ялпи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта, Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен, Қозғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов, Европа тикланиш ва тараққиёт банки раҳбари Одиль Рено-Бассо, Европа иқтисодий комиссияси ижрочи котиби Татьяна Молчан, Аҳоли пунктлари бўйи ча дастур ижрочи директори Анаукладия Россбах, Чўлланишга қарши курашиш конвенцияси ижрочи котиби Иброҳим Тиав ва бошқалар иштирок этди.

Анжуман қатнашчилари орасида 2 мингдан ортиқ хорижий меҳмонлар, жумладан, миллий ва глобал экологик ташкилотлар, халқаро тузилмалар раҳбарлари, экспертлар, олимлар ва журналистлар, бизнес вакиллари бор.

«Марказий Осиё глобал иқлим муаммоларига дуч келмоқда: барқарор ривожланиш ва фаровонлик учун минтақавий бирдамликни мустақамлаш» мавзусидаги форум кун тартибига мувофиқ, Марказий Осиё олдида турган долзарб иқлим муаммолари муҳокама қилинди, экологик барқарорлик, «яшил» иқтисодий тараққиёт ва иқлим ўзгаришига қарши курашишда минтақавий ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

>>> 3

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ЕВРОПА ИТТИФОҚИ» БИРИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

2-саҳифада ўқинг...

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ САМАРҚАНД ХАЛҚАРО ИҚЛИМ ФОРУМИДАГИ НУТҚИ

2-саҳифада ўқинг...

Куннинг муҳим воқеалари

«Марказий Осиё – Европа Иттифоқи» форматидаги биринчи олий даражадаги расмий учрашув якунлангач, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ва Европа Иттифоқи етакчилари Орол маданият саммити экспозициясига ташриф буюрдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 апрель куни Самарқанд иқлим форуми доирасида БМТ Бош котиби ўринбосари, Европа иқтисодий комиссияси ижрочи котиби Татьяна Молчанни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари 4 апрель куни Самарқанд иқлим форуми доирасида БМТ Бош котиби ўринбосари, БМТнинг аҳоли пунктлари бўйича дастури (БМТ-Хабитат) ижрочи директори Анаукладия Россбахни қабул қилди.

Президентимиз Самарқанд иқлим форуми доирасида БМТ Бош котибининг ўринбосари, Чўлланишга қарши курашиш конвенцияси ижрочи котиби Иброҳим Тиав билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амириклари энергетика ва инфратузилма вазири Суҳайл ал-Мазруий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд иқлим форуми доирасида Ўзбекистон-Саудия Ишбилармонлар кенгаши ҳамраиси, «ACWA Power» компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад Абунайяни қабул қилди.

Манба: president.uz

Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ УМУМБАШАРИЙ ЭЪТИРОФИ ИФОДАСИДИР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева билан суҳбат

4-,5-саҳифаларда ўқинг...

Inter-Parliamentary Union
For democracy. For everyone.150 IPU ASSEMBLY
Tashkent, Uzbekistan 5-9 April 2025PARLAMENTLARARO ITTIFOQNING
150-YUBILEY ASSAMBLEYASI

Toshkent - 2025

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ЕВРОПА ИТТИФОҚИ» БИРИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ САМАРҚАНД ХАЛҚАРО ИҚЛИМ ФОРУМИДАГИ НУТҚИ

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Хурматли хонимлар ва жаноблар! Сизларни «Марказий Осие – Европа Иттифоқи» биринчи саммитида қутлашдан гоят мамнунман.

Европа Кенгаши Президенти Антониу Кошта Жаноби Олийларига, Европу Комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен Хоним Олияларига, менинг барча ҳамкасбларим – минтақа мамлакатлари етакчиларига саммитни айнан шу заминда, қадимий Самарқанд шаҳрида ўтказиш борасидаги ташаббусимизни қўллаб-қувватлаганлари учун миннатдорлик билдираман.

Кўп асрлар давомида Буюк Ипак йўлининг асосий йўллари чорраҳасида жойлашган ушбу шонли шаҳар цивилизациялар мулоқоти ҳамда Шарқ ва Ғарб ўртасидаги дипломатия, савдо ва маданий алмашувларнинг муҳим маркази бўлган.

Бу ҳақда кўплар тарихий далиллар мавжуд. Масалан, Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Темур бундан олти асрдан зиёд вақт олдин айнан шу заминда туриб эркин ва хавфсиз савдони таъминлаш мақсадида Европа ҳукмдорлари билан фаол мулоқотларни йўлга қўйган.

Бизнинг Мухаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улугбек ва бошқа буюк аллома ва мутафаккирларимиз жаҳон, жумладан, Европа илм-фани ва фалсафаси ривожига беқиёс хисса қўшганини албатта қайд этмасдан ўтолмаймиз.

Бугун мен мамнуният билан таъкидлашни истардимки, бизнинг чуқур тарихий илдиэларга эга бул муносабатларимиз хозирги замон шароитида жадал ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Шу кунларда бўлиб ўтган оқлик, конструктив ва самарали учрашувлар мамлакатларимиз ва минтакаларимиз манфаатлари йўлида шериклик ва амалий ҳамкорлигини чуқурлаштиришга бўлган сиёсий иродамиз ва қатъиятимиэни яна бир бор намоен этди.

Европа Иттифоқи асосий институтлари раҳбарларида узаро англашув ва Марказий Осиеда интеграция ва барқарор тараққиёт жараёнларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун яна бир бор миннатдорлик билдираман.

Мен бу залда анъанавий шерикларимиз – Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Рено-Басо ва Европа инвестиция банки вакилларини кўриб турганимдан ҳам хурсандман. Ушбу молия институтларининг «кељажақка сармоялар» шюри остида ўтаётган бугунги саммитимизнинг ваэифа ва қарорларини илгари суришдаги роли ўта муҳим, деб ҳисоблайман.

Шу ўринда бундан саккиз йил олдин Ўзбекистон билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки муносабатлари тўхтаб ётганини қайд этишни истар эдим. Бугун эса биз банкнинг энг йирик бенефициарларидан биримиз.

Хурматли ҳамкасблар! Ашҳободадаги учрашувлар яқунлари буйича бизнинг ваэирлар ва экспертларимиз кўп томонлама ҳамкорлигининг барча асосий йўналишларини қамраб олган саммит кун тартибини тайёрлашди.

Шунингдек, биз бугун Марказий Осие дуч келаётган замонавий экологик таҳдидларга бағишланган Самарқанд иқлим форуми ялли сессиясида ҳам биргаликда иштирок этамиз.

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Бизнинг учрашувимиз жадал ва олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган глобал жараёнлар шароитида ўтмоқда.

Биз геосийсий зиддиятлар, хавфсизлик муаммолари, йирик минтақавий можароларнинг ҳамда барқарор тараққиётга нисбатан ижтимоий ва иктисодий таҳдидларнинг кучайишига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Аени, ҳеч бир минтақа кенг халқаро ҳамкорликсиз бу қадар мураккаб масалаларни мустақил ҳолда ҳал этишга қодир эмас.

Шу муносабат билан таъкидлашни истардимки, Марказий Осие ва Европа Иттифоқи анъанавий шериклар бўлиб, узаро яқин ҳамкорлик учун талаб фақат ўсиб бормоқда. Биз ҳам Европа томони каби халқаро ҳуқуқнинг тамойили ва меъёрларига содиқлигимизни билдираимиз.

Украина атрофидаги ваэиятни тинч йўл билан ҳал этиш буйича музокаралар жараёнлари бошланганини оқийлайимиз ва тўлиқ қўллаб-қувватлайимиз. Олдинда жуда мураккаб ва ечими осон бўлмаган масалалар турганини тушунаман.

Бирок дипломатик савй-ҳаракатлар ва сиёсий қарорлар қабул қилишдан бошқа муқобил йўлни биз кўрмаймиз.

Хурматли ҳамкасблар!

Умумий сиёсий иродамиз туйғайли барқарор ва орта қайтмас туш олган Марказий Осиедаги чуқур трансформация жараёнлари кўпқиррали ҳамкорлигимизни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Минтақа мамлакатлари ўртасида ишонч ва яхши қўшничилик мустаҳкамланмоқда, кенг қўламли ҳамкорлик ва кооперация алоқалари кенгаймоқда. Бундан етти-саккиз йил аввал бунинг учун ҳатто шароит ҳам йўқ эди. Баъзи мамлакатлар ўртасидаги чегаралар ёпиқ эди. На савдо, на транзит, на бизнес, ҳеч қандай гуманитар алмашувлар йўқ эди. Муносабатлар шунчаки муэлатиб қўйилганди. Ушанда ҳеч ким яқин келажақда биз Европа етакчилари билан музокараларда минтақамизни биргаликда намоен этишимизни тасаввур ҳам қила олмас эди.

Марказий Осиенинг очиклиги ва барча шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликка тайёр экани минтақада хавфсизлик ва фаровонлики таъминлашнинг энг муҳим шартига айланди.

Шу йил сентябрь ойида биз Тошкентда минтақадаги давлат раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувини ўтказамиз ва унинг доирасида умумий кун тартибидаги барча долзарб ваэифаларни очиб ва конструктив ҳал қиламиз.

Бугунги саммитимиз арафасида тарихий воқеалар бўлиб ўтганини алоҳида қайд этишни истардим. Бу ўринда гап Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида давлат чегаралари масаласи тўлиқ ҳал этилгани ва делимитация қилиш буйича келишувлар имзолангани ҳақида бормоқда.

Яна бир бор хурматли ҳамкасбларини Эмомалӣ Шарипович Раҳмон ва Саидир Нургожоевич Жапаровни самимий табриқлайман.

Биз биргаликда минтақада йирик инвестиция ва инфратуэзилма лойиҳаларини амалга ошираётганимизни таъкидлаш жоиз. Бундай лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун қўшма инвестиция жамағалари ва компаниялари фаолият кўрсатмоқда. Минтақада ички савдо ҳамжи ошиб бормоқда. Уларни рағбатлантириш учун чегаралонди савдо зоналари яратилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатларимиз ва бугун минтақамизнинг барқарор иктисодий тараққиётига имкон яратаётганини таъкидлашни истар эдим.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари ҳисоб-китобларига кўра, минтақавий ялли ички махсулотнинг ўсиши бу йил олти фоизгача етади ва бу бошқа минтақалардаги ўртача кўрсаткичдан сезиларли даражада юқоридир. Жумладан, Ўзбекистонда саноатлаштириш, инфратуэзилмаларга сармоялар киритиш, иктисодиётни либераллаштириш ва бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳисобидан барқарор иктисодий ўсиш таъминланмоқда.

Умуминтақавий ўэига ҳосликни шақллантириш, шунингдек, маданий-гуманитар ва таълим буйича алмашувларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳамкорликдаги ишларимизни алоҳида таъкидламоқчиман.

Биз мамлакатларимизда етакчи миллий ўкув муассасаларининг филиалларини очямиз. Хорижий сайёҳлар учун янаюна Марказий Осие визаси лойиҳасини илгари суриямиз.

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Бизнинг илк саммитимиз Қозғистон ва Қирғизистонда муваффақиятли ўтган Марказий Осие ва Европа Иттифоқи етакчиларининг иккита учрашувининг манتيқий давомидир. Ушбу мулоқотлар ҳар икки томоннинг манфаатларини тушуниш ва шериклигини умумий йўналишларини белгилаб олиш учун фойдалли бўлди. Сўнгги йилларда Европа Иттифоқи билан ўзаро ҳамкорлик сезиларли фаоллашгани кузатилаётганини қайд этмоқчиман.

Кейинги етти йилда Марказий Осие мамлакатларининг Европа Иттифоқи билан ўзаро товар айланмаси ҳамжи бир неча баробар ўсиб, 54 миллиард еврога етди. Ҳамкорликнинг самарали платформалари ишга туширилди. Барча муҳим йўналишларда ваэирлар иштирокида мажлислар, форумлар, саммитлар ва конференциялар доимий ўтказиб келинмоқда.

Шу билан бирга, ушбу учрашув кўпқиррали муносабатларимиз ривожида янги босқичнинг ўэига ҳос бошланиш нуқтаси бўлиши лозим, деб ҳисоблайман.

Шу муносабат билан, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ҳамкорликдаги ишларимизнинг биз учун устувор йўналишларини кўрсатиб ўтишни истар эдим.

Биринчи. Бу – сиёсий мулоқотларни мустаҳкамлаш йўлидаги савй-ҳаракатлар ва инвестициялар, кўп томонлама ҳамкорлигини ҳуқуқий ва институционал асослари.

Саммит яқунлари буйича Марказий Осие ва Европа Иттифоқи ўртасида стратегик шериклик ўрнатиш ҳақида тарихий қарор қабул қилинади. Қабул қилинадиган ҳужжатнинг қондаларини амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни биргаликда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ишончим комилки, бизнинг стратегик шериклигимиз аниқ қоррлар, лойиҳа ва дастурлар билан бойитилиши керак. Шу муносабат билан, бизнинг ички минтақамиз ўртасида шериклик ва ҳамкорлик буйича тўлақонли Битимни имзолаш масаласини кўриб чиқишни тақлиф этамиз.

Биз, шунингдек, халқаро ва минтақавий кун тартибидаги муҳим масалалар буйича умумий позицияларни ишлаб чиқиш учун ташки едоралари раҳбарлари учрашувларини доимий ўтказиб бориш, парламентлараро алоқаларни фаоллаштириш ва «Марказий Осие – Европа Иттифоқи» парламентлараро ҳамкорлик форумини таъсис этиш ҳамда унинг илк тадбирини шу йил кузда Ўзбекистонда ўтказиш, етакчи тахил марказлари ҳамкорлигини кенгайтиришни тақлиф этамиз.

Саммитимизни ҳар икки йилда бир марта ўтказиш буйича тақлифини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Келишувларимизни ўэ вақтида амалга оширишни таъминлаш буйича тизимли ишлаш

мақсадида навбатдаги йигилишимизга қадар саммит котибияти функциясини ўз зиммамизга олишга тайёрмиз.

Иккинчи. Иктисодиёт ва технология модернизацияда инвестициялар киритиш ўзаро ҳамкорлигимизнинг устувор мезони бўлиши лозим.

Биз июнь ойининг бошида Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан шериклигига Тошкент халқаро инвестиция форумини ўтказамиз. Ушбу тадбирда Европанинг етакчи компания ва банклари билан умумий қиймати 30 миллиард евродан ортиқ бўлган жорий лойиҳалар портфелини тақдим этиш ниятидамиз.

Таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда Европанинг барча бизнес «капитанлари», саноат ва инновация соҳалари етакчилари Ўзбекистон ва минтақамиздаги бошқа мамлакатларда муваффақиятли иш олиб бормоқда. Улар орасида «TOTAL», «Siemens», «Linde», «Airbus», «BASF», «IDF», «Orano», «OTP Group» ва бошқа кўплаб корпорациялар бор.

Форум жараёнида икки минтақанинг инвестициявий имкониятларига бағишланган алоҳида сессияни ўтказишни тақлиф этаман. Ўзбекистонда Европа компаниялари учун Минтақавий саноат парки концепцияси тақдимотини ҳам ана шу сессияда ўтказишни режа қилаймиз.

Шу кунларда Тошкентда Европа инвестиция банки офисини очиш тўғрисида имзоланган битим Европа Иттифоқи мамлакатларидан Марказий Осиега тўғридан-тўри инвестициялар оқимини рағбатлантиради.

Европалик шерикларимиз яна бир ташаббусимизни – «яшил» энергетика, инновациялар, транспорт, инфратуэзилма соҳаларида ва аграр секторда йирик минтақавий лойиҳаларни илгари суриш учун Инвестиция платформасини ишга тушириш буйича тақлифимизни қўллаб-қувватлашига умид қиламиз.

Бундан ташқари, мамлакатларимизнинг иктисодий манфаатларини яқинлаштириш буйича қатор янги тақлифларни билдирмоқчимиз. Бу, энг аввало, инвестицияларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш тўғрисидаги кўптомонлама битимни имзолаш, хусусий сектор вакилларини кенг жалб этган ҳолда, «Марказий Осие – Европа Иттифоқи» қўшма савдо палатасини ишга тушириш, кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини, биринчи галда, хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш буйича қўшма минтақавий дастурларни қабул қилишга қаратилгандир.

Ўзбекистонда ўзаро транспорт боғлиқлиги буйича навбатдаги Иктисодий форум ва Инвесторлар форумини қабул қилишга тайёрмиз.

Шунингдек, экспорт қилувчиларимиз салоҳиятини ошириш, лабораториялар, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш марказларини яратиш учун Европа Иттифоқининг техник кўмагини кенгайтириш муҳимдир.

Учинчи. Саммит давомида стратегик минерал ресурслар соҳасида ҳамкорлик ва инвестицияларни чуқурлаштириш буйича қарор қабул қилинади.

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон геология-разведка, стратегик ҳомаёш материалларни конларни узлаштириш ва уларни чуқур қайта ишлаш соҳасида юқори технология ишлаб чиқариш тармоқларини яратиш борасида Европадаги етакчи компаниялар билан ҳамкорлик қилиш буйича катта ижобий тажрибага эга. Биз бу йўналишда Европа Иттифоқи билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ниятидамиз.

Ушбу махсулотларни, шунингдек, тайёр саноат ва қишлоқ ҳужалиги товарларини Европа бозорларига етказиб бериш учун самарали транспорт йўлакларининг йўқлиги бунда асосий тўсиқ ҳисобланади. Жумладан, Транскастий транспорт коридорини кенгайтириш ва юк билан таъминлаш учун ўзаро мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни ва бизнес учун манфаатли шароитларни ишлаб чиқиш зарур. Ишонаман, ушбу ваэифалар «Глобал давоза» умумевропа дастурининг мақсадларига тўлиқ мос келади.

Шу муносабат билан, келишилган ёндашувларни ишлаб чиқиш учун Европа Иттифоқи шафелигида ушбу йўналишда жойлашган мамлакатларнинг транспорт ваэирлари учрашувини қақирини тақлиф этамиз.

Туртинчи. «Яшил» энергетика ва экологик барқарорликка йўналтирилган инвестициялар стратегик аҳамиетга эга бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Марказий Осие минтақасида Европада электр энергиясини етказиб бериш буйича халқаро лойиҳани тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Саммит арафасида ушбу лойиҳани амалга ошириш буйича тегишли битимни раификация қилдик.

Таъкидлаш ўринлики, биз 2030 йлга бориб мамлакат энергия балансида қайта тикланадиган энергия улушини 54 фоизга етказишни, 24 минг мегаватт «яшил» қувватларни ишга туширишни режалаштирмоқдамиз.

«Тоэа» энергия буйича «Марказий Осие – Европа Иттифоқи» шериклигининг йўлга қўйилиши билан ўзаро ҳамкорлигимизнинг муҳим платформаси яратилиши мумкин.

Шунингдек, «углерод кредитлари» лойиҳаларини ишлаб чиқишни молия-

лаштириш ва уларнинг бозорини ривожлантириш учун турдош ваэирликлар раҳбарлари даражасида ишчи гуруҳни таъсис этишни тақлиф этамиз. Бўлиб ўтиши қутилаётган Иқлим форуми чоғида минтақанинг «Яшил» тараққиёт концепциясини тақдим этамиз.

Бешинчи. Инсон капиталига инвестициялар таълим ва маданий-гуманитар соҳалардаги алмашувларни кенгайтириш имконини беради.

Юқори малакали мутахасссларни тайёрлаш буйича «Erasmus+» дастурлари доирасида минтақа мамлакатлари учун махсус квоталарни жорий этиш ушбу мақсадга эришишга хизмат қилиши мумкин.

Марказий Осие мамлакатлари билан илмий-таълим ҳамкорлигини кенгайтириш учун Ўзбекистонда «Уфқ – Европа» дастури офисини очишга тайёрмиз. Бундан ташқари, сунъий интелект, маълумотлар «катта базалари», рақамлаштириш, космик тадиқотлар соҳасида илмий ва технологик алмашувлар буйича қўшма дастурни ишлаб чиқишни тақлиф этамиз.

Ўзбекистон, шунингдек, минтақа мамлакатларини рақамли таълим соҳасида Европа ҳаракатлар дастурига қўшиш, Марказий Осие ва Европа Иттифоқи мамлакатлари етакчи университетлари ўртасида шериклик борасида «Йўл харитасини амалга ошириш буйича ташаббусларни илгари суради.

Европалик мутахасссилар иштирокида «Лаэги» миллий балетининг сахналаштирилиши маданият соҳасидаги кооперациянинг аққол мисоли бўлди. Европадаги Лувр, Берлин Янги музейи, Вена Бунтунжаҳон музейи каби йирик музейларда Марказий Осиенинг тарихий меросига бағишланган кўргазмалар муваффақиятли ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг кузида ушбу заминда, Самарқандда ўтадиган, сўнгги қирқ йилда Париждан ташқарида илк бор бўладиган ЮНЕСКО Бош конференцияси чоғида барча халқий шерикларимизни минтақамиз халқларининг би маданияти ва санъати билан янада кенг таништиришни хоҳлар эдик.

Шунингдек, жорий йилда Бухорода биринчи «Марказий Осие – Европа Иттифоқи» сайёҳлик форумини ўтказишни режа қилаймиз.

Европа Иттифоқи мамлакатлари тажрибасини жорий этиш асосида «Бир тур – бутун минтақа» концепциясини амалга ошириш, шунингдек, минтақамиз сайёҳлари учун янги режимиэни соддаллаштириш масаласини кўриб чиқишда европалик шерикларимизнинг кўмагига таянамиз.

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Хавфсизлик нисбатан умумий таҳдидлар, хусусан, терроризм, экстремизм, радикализм, кибержиноятчилик, наркотрафик ва ноқонуний миграцияга қарши курашишда ҳамкорлик тобора долзарб бўлиб бормоқда.

Европалик шерикларимизнинг тероризмга қарши курашиш масалалари буйича мулоқотни йўлга қўйиш ҳақидаги тақлифини қўллаб-қувватлаймиз. «ВОМСА» ва «САДАР» дастурлари доирасида ўзаро амалий ҳамкорликни кенгайтириш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Афғонистонни тинч ривожлантириш масалаларида сиёсий маслаҳатлашувлар билан давом этиришга тайёрмиз. Минг афсуски, жаҳон ҳамжамияти ушбу мамлакат ҳудудидан келиб чиқадиган барча таҳдидларни етарлича баҳолай олмапти.

Афғон томонини минтақавий иктисодий жараёнларга, жумладан, инвестиция ва инфратуэзилма лойиҳаларини амалга ошириш, ижтимоий соҳани қайта тиклаш йўли билан фаол жалб этиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Қабул қилинган мажбуриятларни бажариш учун халқаро ҳамжамиятнинг амалдаги афғон ҳукумати билан конструктив мулоқот ўрнатиш муҳимлигини тушуниши ва қўллаб-қувватлашига умид қиламиз.

Хурматли саммит иштирокчилари! Суэтининг ниҳоясида бизнинг ташаббус ва келишувларимизни амалга ошириш механизмларини жорий этиш муҳимлигини алоҳида қайд этишни истар эдим.

Шу муносабат билан, «Марказий Осие – Европа Иттифоқи» форматида Бош ваэир ўринбосарлари даражасида ҳар илги учрашувлари ўтказиб бориладиган Шериклик кўмитасини таъсис этиш мақсада мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Қадрли дўстлар! Барчангизга очик, ишончли ва конструктив мулоқот учун яна бир бор чуқур ташаккур изҳор этаман.

Ишончим комилки, Европанинг етакчи институтлари ва молия ташкилотлари раҳбарлари Марказий Осиенинг умумий позицияга эга эканига, ишончли ва масъулиятли шерик сифатида кенг қўламли ҳамкорликка тайёр эканига амин бўлишимиз.

Барчангизни икки минтақа ўртасида стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисида тарихий қарор қабул қилиниши билан табриқлайман.

Эришилган барча келишувлар ва илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш учун Саммит котибиятига, экспертлар билан биргаликда, бир ой муддатда, биз ишчи тартибда тасдиқлашни мумкин бўлган «Йўл харитасини» тайёрлаш тақлифини билдираман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Хурматли форум иштирокчилари! Хонимлар ва жаноблар!

Барчангизни бугунги даврдаги асосий таҳдид – глобал иқлим ўзгаришларига бағишланган конференциямиэда чин юракдан қутлайман.

Хурматли ҳамкасбларим – Европа Иттифоқи ва Марказий Осие давлатлари етакчилари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти номидан қатнашаётган бизнинг ишончли ҳамкорларимиз, халқаро молия институтлари, глобал ва миллий экологик ташкилотлар вакилларига ушбу тадбирда иштирок этаётгани учун самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Сизларнинг форумдаги иштирокингиэ барқарор ривожланишнинг энг долзарб масалалари буйича самарали ечимлар излашда биргаликда савй-ҳаракатлар олиб боришга содиқлик намунасидир.

Ишончим комил, бу заминда, асрлар давомида янги гоёя ва билмилар яратилган, ишонч ва бунёдкор шериклик марказларидан бири бўлган қадимий Самарқандда биз иқлим соҳасидаги замонавий таҳдидларга қарши курашиш буйича биргаликда ташаббус чора-тадбирлар ишлаб чиқа оламиз.

Ўзбекистонга хуш келибсиз! Самарқандга хуш келибсиз! Хурматли форум иштирокчилари! Ўтган йили сайёрамизда ўртача ҳаво ҳарорати биринчи марта Цельсий шкаласи буйича бир ярим даражадан юқорикор кўтарилди. Сўнгги ўн йиллик бутун метеокузатувлар тарихидаги энг иссиқ давр бўлди. Бунинг оқибатида бугун биз барчамиз иқлим инқирозларининг салбий таъсирлари – ўрмон ёнгинлари ва чўлланиш микёси ортиб бораётгани, муэзилар қисқараётгани, сув ресурслари тақчиллиги кучаяётгани, ҳаво сифати ёмонлашаётганини ҳис қилиб тубрибмиз.

Таъкидлаб айтаман, **атроф-муҳитни асраб-авайлашда масъулият барчамизнинг зиммамизда. Бу кун тартибимиздаги энг муҳим масаладир.**

Марказий Осие мамлакатлари томонидан иқлим ўзгаришларига мослашани буйича стратегия ишлаб чиқилгани ва бир овоздан мақбулланганини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон минтақадаги барча шериклар билан умумий мақсад ва ваэифаларни амалга ошириш буйича яқиндан ишлаш ниятидадир.

Биз, шунингдек, Европа томони билан Орол денгизи қуриши оқибатларини юмшатиш, сувдан оқилана фойдаланиш, «тоэа» энергия манбаларини кенгайтириш дастурлари доирасида муваффақиятли ҳамкорлик қилаймиз. Бундай шериклик Марказий Осиеда барқарор «яшил» ривожланишга муҳим хисса қўшади.

Ҳеч шубҳасиз, бугунги кунда Европа Иттифоқи иқлим ўзгаришларига қарши курашиш масалаларини илгари суриш ва ҳимоя қилишда глобал етакчидир. Биз келгусида ҳам бу соҳадаги амалий ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга тайёрмиз.

Хурматли хонимлар ва жаноблар! Иқлим ўзгариши муаммолари озиқ-овқат ва энергия хавфсизлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Минтақа аҳолиси 25 йилдан сўнг 100 миллион кишидан ортиши қутилаётган бир вақтда унумли ерлар тез сурьатлар билан қисқариб бормоқда.

Бугунги кунда минтақадаги умумий ер майдонининг 20 фоиздан ортиги деградацияга учраган. Чорак асрдан кейин ҳосилдорлик учдан бир қисмга камайиб кетиши мумкин.

Шу муносабат билан, ўрмон ҳўжалиги ва аграр соҳанинг мослашувчанлигини ошириш, шунингдек, «Уфқ – Европа» дастури доирасида озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун илмий салоҳиятимизни бирлаштириш ҳаётий муҳим масала, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон деградацияга учраган ер майдонларини қисқартириш ва иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш мақсадида «Яшил макон» лойиҳаси доирасида кенг қўламли кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бормоқда. Бундан ташқари, Оролбуйининг 2 миллион гектардан ортиқ чўл ҳудудларида қурғоқчиликка чидамли ўсимликлар экилди.

Ҳар йили Наврўэ байрами арафасида дарахт экиш буйича «Марказий Осиенинг яшил белбоғи» минтақавий акциясин



<<< 1

Президентимиз Европа Иттифокнинг асосий сиёсий ва иқтисодий институтлари раҳбарларига Марказий Осиёда интеграция ва барқарор тараққиёт жараёнларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, умумий сиёсий ирода туфайли Марказий Осиёдаги чуқур трансформация жараёнлари барқарор ва орта қайтмас тус олди. Ишонч ва яхши кўшничлик мустаҳкамланди, кенг қўламли ҳамкорлик ва кооперация алоқалари кенгаймоқда.

Самарқанд саммити – Марказий Осиё ва Европа Иттифок ўртасидаги муносабатларда мутлақо янги, тарихий босқични бошлаб бераётган сиёсий воқеадир. Илк бор Европа Иттифок ва Марказий Осиёнинг барча давлатлари раҳбарлари битта даврада, битта форматда йиғилиб, муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтариш масаласида қатъий сиёсий иродани намоён этмоқда.

Ушбу саммитнинг аҳамиятини тўлиқ англаш учун сўнги йиллардаги муносабатларнинг эволюциясига назар ташлашнинг ўзи kifoya.

Биринчидан, Марказий Осиёдаги сиёсий ва ижтимоий муҳит тубдан ўзгарди. Яқин кўшничлик, биродарлик ва халқлараро муносабатлар янги, ижобий мазмун билан бойиди. Бу ўзгаришлар натижасида минтақада бирдамлик руҳи кучайиб, халқро майдондаги нуфузи орди, дунё ҳамжамияти эътиборини тортиб ва турли глобал ҳамда минтақавий субъектлар билан самарали ҳамкорлик имкониятлари кенгайди.

Айни пайтда Марказий Осиё ва Европа Иттифок ўртасидаги алоқаларда жиддий сифат ўзгаришлари кузатиюмоқда.

– Бундан етти-саккиз йил аввал бунинг учун ҳатто шариоит ҳам йўқ эди. Баъзи мамлакатлар ўртасидаги чегаралар ёпиқ эди. На савад, на транзит, на бизнес, ҳеч қандай гуманитар алмасувлар йўқ эди. Муносабатлар шунчаки музлаб қўйилган, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шу йил сентябрь ойда Тошкентда минтақа

даги давлат раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви ўтказилди. Бу ҳамкорлик формати умумий кун тартибидидаги барча долзарб вазифаларни очик ва конструктив ҳал қилишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон етакчиси куни кеча тарихий воқеа – Қирғизистон ва Тожикистон ўртасидаги Давлат чегарасини делимитация қилиш масалалари тўлиқ тартибга солинган ва келишувлар имзоланганини алоҳида қайд этди.

Бугунги кунда минтақада йирик инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари биргаликда амалга оширилаётгани, уларни қўллаб-қувватлаш учун инвестиция фондлари ва компаниялари фаолият юритаётгани таъкидланди. Минтақа ичидаги савдо кўпаймоқда, чегараолди савдо зоналари ташкил этилмоқда. Буларнинг барчаси минтақанинг барқарор иқтисодий ривожланишига хизмат қилмоқда.

ЕТТБ прогнозида кўра, жорий йилда минтақавий ялпи ички маҳсулот ҳажми 6 фоизгача ошади, бу бошқа минтақалардаги ўртача кўрсаткичлардан сезиларли даражада юқори.

Умумминтақавий ўзига хосликни шакллантириш, шунингдек, маданий-гуманитар ва таълим алмашинувини қўллаб-қувватлаш бўйича биргаликдаги ишлар алоҳида қайд этилди. Мамлакатларимизда етакчи миллий таълим муассасаларининг филиаллари очилмоқда. Хорижий сайёҳлар учун ягона Марказий Осиё визаси лойиҳаси илгари сурилмоқда.

Минтақа ва Европа Иттифок ўртасидаги ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашгани кузатилмоқда. Сўнги етти йилда мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми бир неча баробар ўсиб, 54 миллиард еврони ташкил этди. Самарали ҳамкорлик платформалари ишга туширилди. Барча муҳим йўналишлар бўйича вазирлар йиғилишлари, форумлар ва саммитлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон етакчиси ўрта ва узоқ муддатли истибболга мўлжалланган ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари юзасидан ўз нуктаи назарини баён қилди.

Аввало, сиёсий мулоқотни, кўп томонлама

МУНОСАБАТЛАРНИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА КЎТАРИШ УЧУН МУҲИМ ҚАДАМ ТАШЛАНДИ

ҳамкорликнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини мустаҳкамлаш муҳимлиги таъкидланди.

Марказий Осиё ва Европа Иттифок ўртасида стратегик шериклик ўрнатилган ҳақида қабул қилинаётган ҳужжат қондаларини амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни биргаликда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Стратегик шерикликни аниқ қарорлар, лойиҳа ва дастурлар билан бойитиш мақсадида икки минтақамиз ўртасида шериклик ва ҳамкорлик бўйича тўлақонли Битимни имзолаш масаласини кўриб чиқиш таклиф этилди.

Ўзбекистон Президенти халқро ва минтақавий кун тартибидидаги муҳим масалалар бўйича умумий позицияларни ишлаб чиқиш учун ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари учрашувларини доимий ўтказиб бориш; парламентлараро алоқаларни фаоллаштириш ва «Марказий Осиё – Европа Иттифок» парламентлараро ҳамкорлик форумини таъсис этиш ҳамда унинг илк тадбири шундай бўлади. Ўзбекистонда ўтказиш; етакчи таҳлил марказлари ҳамкорлигини кенгайтиришни таклиф этди.

Келишувларни ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш бўйича тизимли ишлаш мақсадида навбатдаги йиғилишга қадар саммит котибияти функциясини Ўзбекистон ўз зиммасига олишга тайёрлиги билдирилди.

Иқтисодий ва технологик модернизацияга инвестициялар киритиш ўзаро ҳамкорликнинг устувор мезони сифатида белгиланди.

Бугунги кунда Европанинг етакчи компания ва банклари билан амалга оширилаётган лойиҳалар портфели 30 миллиард евродан ошди.

Навбатдаги Тошкент инвестиция форуми доирасида икки минтақанинг инвестициявий имкониятларига бағишланган алоҳида сессия ўтказиш ва Европа компаниялари учун Ўзбекистонда Минтақавий саноат парки концепциясини тақдим қилиш таклиф этилди.

Кунги кеча Тошкент шаҳрида Европа инвестиция банки офисини очиб тўғрисида битим имзолангани, бу Европа Иттифок мамлакатларидан Марказий Осиёга тўғридан-тўғри инвестициялар оқимини рағбатлантиришга хизмат қилиши мамнуният билан қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари «Яшил» энергетика, инновациялар, транспорт, инфратузилма ва аграр соҳадаги йирик минтақавий лойиҳаларни илгари суриш учун Инвестиция платформасини ишга тушириш ташаббусини илгари суриди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Президенти бир қатор бошқа ташаббусларни айтди. Инвестицияларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш тўғрисида кўп томонлама битим имзолаш, «Марказий Осиё – Европа Иттифок» қўшма савдо палатасини ишга тушириш, Кичик ва ўрта бизнес, хотин-қизлар тадбиркорлиги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшма минтақавий дас-

турни қабул қилиш шулар жумласидан.

Жорий йилда Ўзбекистон Транспорт боғлиқлиги бўйича навбатдаги иқтисодий форум ва Инвесторлар форумини ўтказишга тайёр.

Экспортчиларимиз соҳадаги ошириш, стандартлаштириш ва сертифицилаштириш лабораториялари ва марказларини ташкил этиш учун Европа Иттифокнинг техник кўмагини кенгайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Стратегик минерал ресурслар соҳасида ҳамкорлик ва инвестицияларни чуқурлаштириш ўзаро манфаатли шерикликнинг яна бир истиқболли йўналиши сифатида қайд этилди.

Ўзбекистон бу борада Европанинг етакчи компаниялари билан ҳамкорлик қилиш бўйича ижобий тажрибага эга. Шу билан бирга, ушбу маҳсулотларни, шунингдек, тайёр саноат ва қишлоқ ҳўжалиги товарларини Европа бозорига етказиб бериш учун самарали транспорт йўлаклари мавжуд эмаслиги бу борадаги шерикликни кенгайтиришга тўсқинлик қилмоқда.

Шу маънода, Транскаспий транспорт йўлини кенгайтириш ва ундан фойдаланиш учун мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар ва қулай шартроитларни ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

– Ишонанам, ушбу вазифалар «Глобал дарвоза» умумевропа дастурининг мақсадларига тўлиқ мос келади, – деди давлатимиз раҳбари.

Шу мақсадда Евроиттифок шафелигида ушбу йўналишда жойлашган мамлакатлар транспорт вазирларининг учрашувини қақриб, ўзаро келишувни ёндашувларини ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

«Яшил» энергетика ва экологик барқарорликка сармоа киритиш стратегик аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Марказий Осиёдан Европага электр энергияси етказиб бериш бўйича халқаро лойиҳани тўлиқ қўллаб-қувватлаши таъкидланди.

Мамлакатимизда 2030 йилга қадар энергия балансида қайта тикланувчи энергия улушини 54 фоизга етказиш, 24 минг мегаватт «яшил» қувватларни ишга тушириш режалаштирилган.

«Тоза» энергия бўйича «Марказий Осиё – Европа Иттифок» шериклигининг йўлга қўйилиши билан ўзаро ҳамкорликнинг муҳим платформаси яратилиши мумкин.

Лойиҳаларни молиялаштириш ва «углерод кредитлари» бозорини ривожлантириш масалаларини ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳ тузиш таклиф қилинди.

Инсон капиталига йўналтирилаётган инвестициялар икки минтақа ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича «Egasmus +» дастури доирасида минтақа мамлакатлари учун махсус квоталар жорий этилиши ушбу мақсадга эришишга хизмат қилди.

Бундан ташқари, Марказий Осиё мамлакатлари билан илмий-таълим соҳасидаги ҳамкор-

ликни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистонда «Уфқ – Европа» дастури офисини очишга тайёр.

Сунъий интеллект, «катта маълумотлар», рақамлаштириш ва космик тадқиқотлар соҳасида илмий-технологик алмашув бўйича қўшма дастур ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилди.

Ўзбекистон Президенти минтақа мамлакатларини Европанинг рақамли таълим соҳасидаги Ҳаракатлар дастурига киритиш, шунингдек, етакчи олий таълим муассасалари ўртасидаги шерикликнинг «йўл харитасини» амалга ошириш бўйича таклифлар билдирди.

Жаҳон аудиториясини минтақамизнинг бой маданияти билан таништириш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг давоми сифатида Самарқандда бўлиб ўтадиган ЮНЕСКО Бош конференциясининг Марказий Осиё халқлари санъатини тараққий этишда фаол фойдаланиш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Жорий йилда Бухорода «Марказий Осиё – Европа Иттифок» биринчи туризм форумини ўтказиш ҳам режалаштирилган.

– Европа Иттифок мамлакатлари тажрибасини жорий этиш асосида «Бир тур – бутун минтақа» концепциясини амалга ошириш, шунингдек, минтақамиз сайёҳлари учун виза режимини соддалаштириш масаласини кўриб чиқишда европалик шерикларимизнинг кўмагига таянмиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Терроризм, экстремизм, радикализм, киберкиноятчилик, наркотрафик ва ноқонуний миграцияга қарши курашишда ҳамкорлик қилиш долзарб аҳамиятга эга.

Европалик ҳамкорларнинг терроризмга қарши кураш масалалари бўйича мулоқотни йўлга қўйиш таклифи қўллаб-қувватланди.

«ВОМСА» ва «CADAP» дастурлари доирасидаги амалий ҳамкорликни, шунингдек, Афғонистонда тинч тараққиётни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатлашувларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари илгари сурилган ташаббус ва келишувларни амалга ошириш механизмларини жорий этиш мақсадида Бош вазирлар ўринбосарлари даражасида «Марказий Осиё – ЕИ» форматлида Шериклик кўмитасини таъсис этиш ва ҳар йили учрашувлар ўтказишни таклиф этди.

Йиғилишда делегациялар раҳбарлари икки минтақа ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича таклифлар билдирди.

Биринчи саммит якунида икки минтақа ўртасида стратегик шериклик ўрнатилиши назарда тутилган қўшма декларация ва ўта муҳим минераллар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида декларация қабул қилинди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
Ўза муҳбирлари**

<<< 1

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш форум иштирокчиларига видеоурожаат йўллади.

Ялпи сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари нутқининг аввалида форумнинг халқаро миқёси ва иштирокчиларнинг нуфузи жаҳон ҳамжамияти барқарор тараққиётнинг энг долзарб масалаларига самарали ечим излашда биргаликда саъй-ҳаракатлар олиб боришга содиқлиги намунаси эканини таъкидлади.

Ўтган йили дунёда илк бор ўртача ҳарорат Цельсий шкаласи бўйича бир ярим даражадан юқорироқ кўтарилгани қайд этилди. Сўнги ўн йиллик метеокүзатувлар тарихида энг иссиқ бўлди.

– Бунинг оқибатида бугун биз барчамиз иқлим инқирозларининг салбий таъсирлари – ўрмон ёнғинлари ва чўлланиш миқёси ортиб бораётгани, музликлар қисқараётгани, сув ресурслари тақчиллиги кучаяётгани, ҳаво сифати ёмонлашаётганини ҳис қилиб турибмиз, – деди Ўзбекистон Президенти.

Минтақа мамлакатлари томонидан Марказий Осиёда иқлим ўзгаришига мослашиш стратегияси ишлаб чиқилди ва бир овоздан маъқулланди.

Орол денгизи қуришининг оқибатларини юмшатиш, сувдан оқилана фойдаланиш, «тоза» энергия манбаларини кенгайтириш дастурлари доирасида европалик шериклар билан муваффақиятли ҳамкорлик қилинаётгани таъкидланди. Бундай шериклик Марказий Осиёнинг барқарор «яшил» тараққиётига муҳим ҳисса қўшади.

Шу маънода, иқлим ўзгаришини ҳимоя қилиш ва унга қарши курашиш масалаларини илгари суришда глобал етакчи бўлган Евроиттифок билан амалий ҳамкорликни янада чуқурлаштиришдан манфаатдорлик билдирилди.

Иқлим ўзгариши муаммолари озиқ-овқат ва энергия хавфсизлиги билан узвий боғлиқ экани алоҳида таъкидланди.

Умумдор ерлар кескин камайиб бормоқда, бугунги кунда минтақадаги жами ер майдонининг 20 фоиздан орттиги деградацияга учраган. Чорак асрдан сўнг ҳосилдорлик учдан бир қисмага камайиши мумкин.

– Шу муносабат билан, ўрмон ҳўжалиги ва аграр соҳанинг мослашувчанлигини ошириш, шунингдек, «Уфқ – Европа» дастури доирасида озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун илмий салоҳиятимизни бирлаштириш ҳаётий муҳим масала, деб ҳисоблайман, – деди мамлакатимиз етакчиси.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ВА ФАРОВОНЛИК УЧУН МИНТАҚАВИЙ БИРДАМЛИК МУСТАҲКАМЛАНАДИ



Президентимиз Ўзбекистонда деградацияга учраган ер майдонларини қисқартириш ва иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берди. «Яшил макон» дастури доирасида кенг қўламли кўламазорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, Оролбўйининг 2 миллион гектардан ортиқ чўл ҳудудларида қурғоқчиликка чидамли ўсимликлар екилган.

Ҳар йили Наврўз байрами арафасида «Марказий Осиёнинг яшил белбоғи» дарахт экиш минтақавий акциясини ўтказиш таклиф қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев иқтисодийни ривожлантиришнинг ресурсларни тежайдиган ва экологик тоза мо-

делига ўтиш масаласига ҳам эътибор қаратди.

Бу соҳадаги асосий йўналишлардан бири – «Яшил» энергетика.

Келгуси беш йилда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 54 фоизга етказиш режалаштирилган бўлиб, бу иссиқхона газлари чиқиндилари ҳажминини қарийб 16 миллион тоннага камайтириш имконини беради.

– Биз Ўзбекистоннинг Париж битими доирасида бу газлари чиқаришни 35 фоизга камайтириш бўйича олган мажбуриятини муддатидан олдин бажариш учун барча саъй-ҳаракатларимизни ишга солишимизни таъкидлаб ўтмоқчиман, – деди давлатимиз раҳбари.

Ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракат-

ларнинг давоми сифатида молиялаштириш, технологиялар ва ваколатларни сафарбар қилиш учун Тошкент шаҳрида Европа Иттифокнинг «Сув – Энергия – Иқлим ўзгариши» деб номланган ташаббусининг Котибиятини ташкил этиш таклифи илгари сурилди.

Бугунги форумда тақдим этиладиган Минтақанинг «Яшил» тараққиёт концепцияси алоҳида қайд этилди.

Сув ресурсларидан оқилана фойдаланиш масалаларига тўхталар экан, Ўзбекистон Президенти 2040 йилга бориб Марказий Осиё мамлакатлари Амударё ва Сирдарё оқимининг камайиши таъсирида юқори даражадаги сув тақчиллигига қадар қилини маълум қилди.

Сув ресурсларини тежай мақсадида ирригация тармоқларини бетонлаш ишлари олиб борилаётгани, сувни тежайдиган технологияларни ишлаб чиқариш бўйича саноат базаси яратилаётгани, улар суғориладиган ерларимизнинг деярли ярмида, яъни қарийб 2 миллион гектарда жорий этилгани таъкидланди. Бундай чора-тадбирлар натижасида ўтган йили қарийб 8 миллиард куб метр сув иқтисод қилинди.

– Марказий Осиёда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва бу соҳада минтақавий дастурини ишга туширишга қақраимиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бу масалаларнинг барчасини экспортлар даражасида муҳокама қилиш учун Оролбўйи минтақасида сувни тежайдиган технологиялар бўйича халқаро форум ўтказиш режалаштирилган.

Шунингдек, музликлар ҳолатини узлуксиз сунъий йўлдош орқали кузатиш ва минтақанинг тоғ экотизимлари учун хавфларни эрта аниқлаш бўйича «Коперник» дастури доирасида Европа Иттифок билан яқиндан ҳамкорлик қилишдан манфаатдорлик билдирилди.

Тошкентдаги «Яшил университет» негизида ташкил этилган Иқлим резиденцияси Марказий Осиёдаги иқлим жараёнларини ўрганиш ва мониторинг қилиш бўйича умумий илмий-эксперт платформаси вазифасини бажариши мумкин.

Шу билан бирга, 5 апрель куни Нукусда минтақамизнинг экологик муаммоларига санъат лойиҳалари орқали эътибор тортишга қаратилган Орол маданият вазифасини бажариши мумкин.

Шу билан бирга, 5 апрель куни Нукусда минтақамизнинг экологик муаммоларига санъат лойиҳалари орқали эътибор тортишга қаратилган Орол маданият вазифасини бажариши мумкин.

Сўзининг якунида давлатимиз раҳбари «келажак авлодлар барқарор, хавфсиз ва фаровон дунёда яшаш учун барча чора-тадбирларни қўриш» умумий мақсад эканини яна бир бор эслатди.

– Бунинг учун мулоқотларни мустаҳкамлаш, умумий эзгу мақсадлар йўлида бирлашган барча давлатларнинг саъй-ҳаракатларини уйғунлаштириш зарур, – деди Ўзбекистон Президенти.

Форумда Марказий Осиё давлатлари президентлари ва Европа Иттифок асосий институтлари раҳбарлари сўзга чиқиб, мавзу юзасидан ўз фикрлари, таклифларини билдирди.

Ялпи мажлисдан сўнг форум сессияларда ўз ишнин давом эттирди.

Марказий Осиё ва Европа иттифок етакчилари биргаликда Орол маданият саммити экспозициясига ташриф буюрдилар.

Кўрғазмада Орол экотизимини тиклаш, ҳудуднинг маданий меросини асраб-авайлаш ва барқарор ривожланишига кўмаклашишга қаратилган ноёб ташаббуслар намойиш этилди. Бу ерда визуал, сенсор ва интерфол вოსиталар орқали Оролбўйининг табиий ва маданий бойлиги билан танилиш мумкин.

Кўрғазмадан мезморчилик ва ландшафт фотографиясига ихтисослашган машҳур фотосуратчи Иван Баннинг асарлари, Қорақалпоғистон учун хос ўсимлик ҳисобланган қамишдан яратилган флористик композиция, шунингдек, Оролбўйининг аънаваний маҳсулотлари – саксувал ургуси, чиғанқоқлар, табиий туз, қурилтиги исирик, нақшли намат ва бошқа кўплаб экспонатлар ўрин олган.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚНИНГ 150-ЮБИЛЕЙ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДЕМОКРАТИК УМУМБАШАРИЙ ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси

5-9 апрель кунлари мамлакатимиз энг нуфузли парламентларо анжуманга мезбонлик қилади. Айни дамда дунё нигоҳи давлатимизнинг парламент дипломатиясидаги муваффақиятларига қаратилган. Қарийб бир ҳафта мобайнида юртимиз муҳим геосиёсий марказ, йирик халқаро парламент тузилмаларининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида глобал муҳокама майдонига айланади. 190 га яқин мамлакат парламентини бирлаштирган Парламентларо Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси. Бу шунчаки оддий анжуман эмас. Мазкур халқаро тадбирга мезбонлик учун парламентаризм ва барқарор ривожланишнинг ижобий тажрибаси юқори бўлган мамлакатларгина танланади. Юртимизнинг бундай эътирофга сазовор бўлиши – қувончли ҳолат, бир вақтнинг ўзида катта масъулият ҳамдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева билан анжуман доирасида ўтказиладиган тадбирлар, уларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти, Ўзбекистон учун халқаро майдонда очилаётган имкониятлар хусусида суҳбатлашдик.

ислохотлар мазмун-моҳияти билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Сўнги йилларда мамлакатимизда инсон шаъни ва қадр-қиммати, ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, қонуний манфаатлари энг олий қадрият сифатида белгилаб олинди. «Одамлар ташвиши билан яшаш» тамойили давлат сиёсатининг бош мезонига айланди. Халқимизнинг қонуний талаб ва истаklarини амалга ошириш, фуқаролар иродасини ҳаётга татбиқ этиш давлат органлари фаолиятини баҳолашнинг энг муҳим мезонига айланмоқда. Барча муҳим қарорлар аҳоли иштирокида, фуқаролик жамияти институтлари билан маслаҳатлашув асосида қабул қилинмоқда.

Айнан шу жиҳатдан янги тахрирда қабул қилинган Ўзбекистон Конституциясининг ҳақиқий муаллифи халқнинг ўзи эканини яна бир бор эслаб ўтиш ўринли. Бу эса фуқаролар хоҳиш-иродаси ислохотлар пойдевори ва унинг ҳаракатланувчи кучига айланганининг ёрқин исботидир.

«Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир». Янги тахрирдаги Конституциянинг 7-моддасида акс этган ушбу норма орқали Ўзбекистонда халқ ҳокимиятчилиги тамойили, яъни суверенитет ташвиши ва давлат ҳокимиятининг ягона манбаи халқ экани теран ҳуқуқий мазмунда ифода этилиб, мустақкам қонуний асосга эга бўлди.

Яна шу моддада Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилиши тўғрисидаги норма ҳам белгилаб қўйилган. Ҳеч шубҳасиз, бу меъёрлар халқимиз хоҳиш-иродаси ва инсонларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Бугунги кунда Парламентимиз халқнинг сиёсий иродасини ифода этувчи чинакам демократик институт сифатида майдонга чиқмоқда. Унинг фаолияти доимо Президентимиз диққат марказида. Бу бежиз эмас. Давлатимиз раҳбари парламент ишини чуқур билган, 15 йил давомида депутат мақомида самарали фаолият юритган инсон сифатида унинг ҳар бир босқичидан яхши хабардор.

Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга қилган тарихий Мурожаатномасидан сўнг парламент фаолиятида мулоқо янги давр бошланди. Бугун эса парламентнинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги ўрни ва таъсирини очик-ойдин кўриб турибмиз. Бу, албатта, Ўзбекистонни ривожлантиришнинг янги сиёсий йўлидаги устувор мақсад ва вазифаларни амалга оширишда кенг жамоатчилик иштироки, ижтимоий ҳамжихатликни таъминлаш учун мустақкам замин яратди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йиллар давомида халқаро парламент ташкилотлари ҳамда миллий парламентлар раҳбарлари билан жуда кўп бор учрашди, парламентларо ҳамкорликни кенгайтириш йўналишида қатор таклиф ва ташаббуслар билан чиқди. Форум ва анжуманларга доимий равишда табрик йўллаб, хорижий давлатларга расмий ташрифлари чоғида ҳам парламент раҳбарлари билан алоҳида учрашувлар ўтказишни анъанага айлантирди. Ҳар томонлама ҳамкорликни қўллаб-қувватлаётгани, шубҳасиз, Ўзбекистон парламентининг нуфузи ва халқаро майдондаги ўрнини мустақкамлашга хизмат қилмоқда.

Бу сазъ-ҳаракатларнинг барчаси Президентимиз миллий парламентаризм, унинг ривожланиш салоҳияти ва давлат бошқарувидаги ўрнига чуқур ишонч билан ёндашишнинг ёрқин ифодасидир. Зеро, давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, «Кучли парламент ва халқ вакиллик органлари – Янги Ўзбекистоннинг таянчидир».

– Эътирофли жиҳати, Президентимизнинг ташаббуслари тўғрисида парламентимизнинг халқаро алоқалари географияси изчил кенгайтирилди. Бу орқали Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини жаҳон миқёсида ҳимоя қилиш



учун янги, раван ва мустақкам йўл очилаётганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

– Албатта, бугун хорижий давлатлар парламентлари билан ҳамкорлигимиз ҳавас қилгулик даражада. Халқаро парламентларо ташкилотлар фаолиятида Олий Мажлисининг фаол иштироки яққол сезилмоқда. Парламентимиз халқаро майдонда мамлакатимиз ташаббусларини эркин ва дадил илгари сурмоқда.

Утган йиллар мобайнида Олий Мажлисининг хорижий мамлакатлар парламентлари билан ҳамкорлик гуруҳлари ва комиссиялари фаолиятини жонлантириш, амалий алоқаларни кенгайтириш бўйича қатор самарали чора-тадбирлар олиб борилди. Ушбу гуруҳлар Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини мустақкамлаш, мамлакатимиздаги ислохотлар ҳақида жаҳон ҳамжамиятига ҳолис ва ҳаққоний ахборот етказиш, шунингдек, хорижий парламентлар билан тажриба алмашиш орқали ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, сўнги беш йилда амалга оширилган шиддатли, кенг қамровли ва таъсирчан ислохотлар миллий парламентаризм тизимининг мустақкам пойдеворини яратди.

– Келинг, яна суҳбатимизнинг бош мавзусига қайтсак. Юртимизда бўлиб ўтадиган мазкур ассамблея доирасида бутун дунё парламентлари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш, ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ва ўз тажрибалари билан ўртоқлашади.

Муҳокама этиладиган мавзулар орасида гендер тенгликни таъминлаш, илм-фан ва технология, парламентлар фаолиятида ёшларнинг ҳам роли ва иштироки тобора мустақкамлашиб бораётгани ушбу нуфузли ташкилот эътирофида, шундай эмасми?

– Ҳақ гапни айтдингиз. Парламентларо Иттифоқ ўз фаолиятида гендер тенглик ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ушбу мавзулар бу галли юбилей ассамблеясининг кун тартибидан алоҳида жой олган.

Минтақамизда парламент соҳасидаги бундай йирик ва кенг қамровли тадбир илк бор айнан Ўзбекистонда ўтказилаётгани бежиз эмас. Бу, аввало, Ўзбекистон парламентининг барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишдаги фаол иштироки, парламент даражасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва гендер тенглик масалаларини изчил илгари суриши ҳамда ёшлар парламенти фаолияти орқали ёшлар қонун ижодкорлиги жараёнларига кенг жалб этилаётгани билан изоҳланади.

Сиёсатда гендер тенглик ва ёшлар иштирокини кенгайтириш масалалари Парламентларо Иттифоқ фаолиятининг асосий йўналишларидан бири эканини инобатга олсак, ушбу соҳаларда эришилаётган ютуқларимиз билан фахрланишга тўла асос бор. Ўзбекистон хотин-қизларнинг қонунийлик жараёнларидаги фаол иштироки рағбатлантириш, ёшларни қонун ижодкорлигига жалб этиш борасида халқаро намунага

– Парламентларо Иттифоқ ассамблеяси фаолияти тарихига назар ташласак, бу нуфузли ташкилот, энг аввало, халқчил ҳокимият ва халқ даражасида қўлдоғидан давлатчилик масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келаётганини кўраемиз. Шу жиҳатдан ассамблеянинг юбилей анжумани айнан мамлакатимизда ўтказилаётгани бежиз бўлмас керак?

– Хабарингиз бор, Ўзбекистоннинг Парламентларо Иттифоқга аъзоллиги 2017 йилда қайта тикланди. Орадан ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимиз парламентаризм ва барқарор ривожланиш йўналишларида муҳим тажриба тўплади, амалдаги ислохотлари билан эътироф этилди. Айниқса, бу борадаги ютуқларимиз халқаро ташкилотлар ва қатор хорижий давлатлар томонидан алоҳида эътироф этилаётгани эътиборга лойиқ деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, халқаро аҳамиятга эга бундай нуфузли тадбирнинг айнан юртимизда ўтказилаётгани ўзига хос рамзий маънога эга. Бу Ўзбекистоннинг демократик бошқарув йўлидан ишонч билан илгариллаётгани, сиз таъкидлаган халқчил парламент тизими ва фуқаролик жамиятининг изчил тараққиётлиб бораётганидан далolat беради. Шу билан бирга, бу тадбир мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинаётганининг яққол тасдиғидир.

Агар эътибор берадиган бўлсак, Парламентларо Иттифоқ фаолиятининг асосий йўналишларидан бири инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишдир. Айни пайтда мазкур йўналиш янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган

Оламда БУГУН



Конституциявий суд Юн Сок Ёл импичментини тасдиқлади

4 апрель куни Жанубий Корея Конституциявий суди президент Юн Сок Ёлга нисбатан парламентнинг импичмент масаласидаги қарорини қўллаб-қувватлади ва уни расман лавозимидан четлатди.

Ўтган йилнинг декабрида қисқа муддатга жорий этилган қарор билан президентни лавозимидан озод қилиш асоси сифатида келтирилган. Суд буни ваколатдан ошиб кетиш деб баҳолади. Қарор барча саккиз нафар судьянинг яқдиллигида қабул қилинди. Суд мажлиси атиги 22 дақиқа давом этди. Мамлакат Конституциясига мувофиқ, муддатидан аввал президент сайловлари 60 кун ичида ўтказилиши керак. Сайловларнинг 3 июнь куни бўлиб ўтиши кутилмоқда. Бош вазир

Хан Док Су янги давлат раҳбари инаугурациясига қадар унинг ваколатларини вақтинча бажариб туради.

Ҳокимиятдаги «Фуқаролик кудрати» партияси суд қарори эълон қилинган, халқдан расман узор сўради. Партиянинг фавқуллода кўмита раҳбари вазифасини бажарувчи Квон Ён Се суд қарорини афсус-надомат, аммо ҳурмат билан қабул қилганини таъкидлади. У партиянинг сиёсий инқироз учун жавобгарлигини тан олди ва жамиятда тартибни сақлаш ҳамда ўзравонликдан воз кечишга чақирди.

Трамп ва Нетаньяху музокара ўтказди

АҚШ президенти Дональд Трамп Исроил бош вазири Биньямин Нетаньяхунинг Вашингтонга сафари чоғида Яқин Шарқдаги можарони ҳал этиш масалаларини муҳокама қилишни режалаштираётганини маълум қилди.

NBC телеканали маълумотларига кўра, ушбу сафар келаси ҳафтадаёқ амалга ошиши мумкин. Трамп бу ҳақда аллақачон Нетаньяху билан телефон орқали суҳбатлашган. Баъзи манбаларга қараганда, учрашувнинг асосий мавзулари Ғазо секторидagi вазият, Эрон омили ва Исроилнинг АҚШ билан ҳарбий ҳамкорлигини кенгайтириш билан боғлиқ бўлади.



Зилзила қурбонлари сони 3 мингдан ошди

28 март куни Мьянмада рўй берган 7,7 магнитудали зилзила оқибатида ҳалок бўлганлар сони 3145 нафарга етди. Бу ҳақда мамлакатнинг давлат ОАВлари хабар берди.

Сўнги маълумотларга кўра, яна 4589 киши жароҳат олган ва 221 киши бедарак йўқолган.

Зилзила нафақат Мьянмада, балки кўшни Таиланд, Бангладеш, Лаос ва Ҳиндистонда ҳам сезилган.

Қатор аҳоли пунктлари тўлиқ вайрон бўлган. БМТ ва Қизил Хоч жамияти вакиллари ўз ичига олган халқаро гуманитар миссиялар фалокат зонасида иш бошлаган.

АССАМБЛЕЯСИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ИФОДАСИДИР

Танзила Норбоева билан суҳбат

муносиб тажриба шакллантирмоқда. Зеро, бу йўналишлар бутун дунёдаги демократик тараққиётнинг ажралмас қисми сифатида эътироф этилмоқда.

Маълумки, дунё ҳамжамиятида 1997 йилдан буён Гендер тенглик бўйича махсус дастур амал қилмоқда, унинг доирасида дунё парламентларида хотин-қизлар иштироки мониторинги олиб борилмоқда. 2024 йилда дунё бўйича хотин-қизлар улуши ўртача 26,7 фоизни ташкил этган бўлса-да, мамлакатлар ўртасида бу кўрсаткичда ҳали ҳам катта тафовут кузатишмоқда.

Бугунги кунда миллий парламентида аёллар улуши сезиларли даражада ошиб, Сенат аъзоларининг 27 фоизини, Қонунчилик палатаси депутатларининг 38 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Мазкур кўрсаткич билан Ўзбекистон Осиё минтақасидаги энг юқори натижани қайд этганини Парламентлараро Иттифоқ ҳам эътироф этди. Яқинда эълон қилинган «Парламентдаги аёллар: 1995-2025 йиллар» номли ҳисоботга кўра, Ўзбекистон Осиё минтақасида энг юқори кўрсаткичга, шунингдек, сўнгги 30 йил ичида аёл депутатлар сонининг ўсиши бўйича ҳам минтақадан етакчи бўлиб турибди.

Шунингдек, Миллий парламентлар бўйича халқаро рейтинг маълумотларига кўра, Ўзбекистон парламентдаги хотин-қизлар улуши бўйича 193 давлат орасида 49-ўриндан 34-ўринга кўтарилди. Бу эса мамлакатимизда демократия ва гендер тенглигини таъминлаш йўналишида эришилган муҳим ютуқлардан биридир.

Парламентлараро Иттифоқ парламентлари хотин-қизлар вакилликни ошириш бўйича самарали механизмлар, жумладан, мураббийлик дастурлари ва хотин-қизларнинг сиёсатдаги иштироки учун уларга қулай шарт-шароитлар яратишни жорий этишга қадамлар қилинган.

Айтиш керакки, ҳозирги кунда кўплаб мамлакатлар парламентларида ёш сиёсатчилар етарлича вакилликка эга эмас. Парламент фаолиятига ёш етакчиларни жалб этиш, сиёсатчиларнинг янги авлодини қўллаб-қувватлашга қаратилган ташаббуслар изчил давом эттирилмоқда. Айниқса, янги таҳрирдаги Конституцияда ёшлар масаласининг алоҳида боб даражасига кўтарилгани янги Ўзбекистонда ёшлар сиёсатига устувор аҳамият берилганлигини яққол кўрсатиб турибди. Ёшларнинг қонун ижодкорлигидаги фаол иштироки бошқарув тизимини модернизация қилиш, сиёсий жараёнларни янада очиқ ва инклюзив асосда ташкил этишда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Ассамблея доирасида ёш парламент аъзоларининг глобал форуми ва Халқаро хотин-қизлар парламент форуми ўтказилиши кутулмоқда.

– **Ўтган йили Осиё хотин-қизлари форуми доирасида Олий Мажлис Сенати ва Парламентлараро Иттифоқ ҳамкорлигининг амалий жиҳатлари бўйича қатор тақлифлар илгари сурилган эди. Уларнинг халқаро анжуман доирасида ўтказиладиган тадбирлар кун тартибидан жой олгани қанчалик муҳим аҳамиятга эга?**

– Ўтган йилги учрашувда муҳокама этилган қатор масалалар ўз долзарблиги ва халқаро аҳамияти билан ажралиб туради. Ушбу мавзулар ассамблеянинг расмий кун тартибидан ҳам ўрин олди. Агар давлатимиз сиёсатининг бошқа мамлакатлар учун ўрнак бўла оладиган жиҳатларини инобатга олсак, ушбу мавзулар доираси айнан ана шундай ютуқ ва тажрибаларимизни жаҳон ҳамжамиятига очиб беришга хизмат қилади.

Хусусан, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, камбағалликни қисқартириш, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш, гендер тенгликка риоя этиш борасида эришилган натижалар юртимизнинг мазкур йўналишида қанчалик жиҳдий ва

изчил қадамлар ташлаётганини яққол тасдиқлайди.

Айниқса, мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя, камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар эътирофга муносиб десак, муболаға бўлмайди. Ҳақиқатан, кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари билан қамраб олиш бўйича тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

«Камбағалликдан фаровонлик сари» дастури доирасида ҳар бир фуқарони ўзи ва фарзандлари келажаги учун масъулият билан ёндашишга ундайдиган ва салоҳиятини рўйга чиқариш учун имконият яратиш ҳамда ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш кўламини кенгайтириш орқали оилаларнинг меҳнат қилиш имкониятини чекловчи сабабларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртимизда ижтимоий ҳимоянинг мутлақо янги тизими яратилди. Соҳа тубдан ислоҳ қилиниб, ижтимоий ёрдамнинг аниқ, мақсадли ва манзиллилигини таъминлашга қаратилган янги ёндашув ва механизмлар жорий қилинди. Миллий қонунчилик базаси мустаҳкамланди, халқаро стандартлар асосида такомиллаштирилди. Халқаро ташкилотларнинг 13 та конвенцияси ратификация қилинди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Миллий стратегияси, унинг мақсадли индикаторлари белгиланди. Соҳанинг институционал асослари ислоҳ этилди. Ижтимоий ҳимоя соҳасида давлат сиёсатини амалга оширадиган янги тузилма – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди. Жойларда «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари иш бошлади. Бу институтлар ижтимоий ҳимояни маҳалла даражасида ташкил этиш, ижтимоий хизмат ва ёрдамларни комплекс ёндашув асосида кўрсатиш, аҳолининг оғир ижтимоий аҳолга тушиб қолишининг олдини олиш, ижтимоий ҳимоянинг манзиллилиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Соҳада кенг кўламли ислохотлар бошланган даврдан бери камбағаллик даражаси деярли 3 баробарга қисқарди (23 фоиздан 8,9 фоизгача).

Ўзбекистон мазкур йўналишдаги амалий саъй-ҳаракатлари билан ижтимоий адолат ва муносиб меҳнат тамойилларини халқаро доирада ҳам дадил илгари суриб келмоқда.

БМТ бош котиби томонидан илгари сурилган «Иш ўринларини яратиш ва ижтимоий ҳимоя Глобал акселератори» ва Халқаро меҳнат ташкилоти бош директорининг Ижтимоий адолат учун глобал коалициясини ташкил этиш каби ташаббусларида мамлакатимиз биринчилардан бўлиб фаол иштирок этиб келмоқда.

Анжуман доирасидаги тадбирларда бу борада батафсил фикрлар илгари сурилади. Шу маънода, ижтимоий тараққиётга эришиш, адолатли жамиятни барпо этишда парламентлар иштирокини кенгайтириш ва фаоллигини ошириш билан боғлиқ масалаларнинг муҳокама этилиши ҳар томонлама мақсадга мувофиқдир. Улар асосида янги чора-тадбирлар, барча давлатлар учун бирдай манфаатли бўлган, тегишли йўналиш бўйича парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган амалий тақлифлар, тавсиялар ишлаб чиқилади ва улар қабул қилинадиган якуний ҳужжатларда ўз ифодасини топади.

– **Мазкур анжуманда дунёнинг 140 га яқин мамлакати, 15 та кузатувчи давлат, шунингдек, 30 дан ортиқ халқаро ва парламентлараро ташкилотлардан икки мингдан ортиқ делегат иштирок этиши кутулмоқда. Бу нафақат жуда йирик, балки тарихий аҳамиятга эга воқеадир. Албатта, бу каби йирик анжуманинг юртимизда ўтказилаётгани Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнаомлигида парламентаризмнинг**



Inter-Parliamentary Union
For democracy. For everyone.



PARLAMENTLARARO ITTIFOQNING 150-YUBILEY ASSAMBLEYASI

Toshkent - 2025

ривожланиши, шу билан бирга, Ўзбекистоннинг очкичлик ва халқаро ҳамкорликка асосланган янги сиёсий йўлининг ёрқин ифодасидир...

– Илгарилари биз дунёга талпинар эдик. Бугун эса кўз ўнгимизда дунё Ўзбекистонга талпинмоқда. Бу ҳолат нафақат қувонарли, балки ҳар бир юрдошимизда фахр ва ҳаяжон туйғусини янада оширади. Бунинг яққол мисоли сифатида сўнгги уч йилда Самарқанд шаҳри мезбонлик қилган бир қатор халқаро анжуманлари, шу жумладан, кунги кеча ўтказилган «Марказий Осиё – Европа Иттифоқи» биринчи саммити ҳам минтақанинг имижига, халқаро миқёсдаги эътирофи, деб ишонч билан айта оламиз.

5-9 апрелдаги тадбирлар давомида икки томонлама учрашувлар, келишувлар, йўл хариталари, халқаро битимлар, давлатлар ва парламентлар билан Ўзбекистон раҳбарининг ўзаро келишувлари белгиланган. Халқаро шартномаларнинг бажарилишида парламент иштироки масалалари кўриб чиқилади.

Конференцияда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Туркий давлатлар парламент ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштироки давлатларнинг Парламентлараро ассамблеяси, Араб парламентлараро иттифоқи, Европа парламенти, Европада хафсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти парламент ассамблеяси, Осиё парламент ассамблеяси, Африка ва Араб дунёсидаги парламент гуруҳлари ва унга тенглаштирилган кенгашлар уюшмаси каби қатор нуфузли ташкилотлар раҳбарлари, вакиллари иштирок этди.

Шу ўринда қалбидан кўтарилган бир ҳисни айтмасам бўлмайди. Биз шундай олижаноб раҳбарга эга эканлигимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бу ифтихорга сабаблар бисёр, албатта. Аммо айнан шу анжуман доирасида рўй берётган бир ҳолатни сизлар билан самимият ила ўртоқлашим келди. 7 апрель кун Президентимиз томонидан алоҳида чиқишлар режалаштирилмоқда.

Қизиги шундаки, ушбу учрашув эълон қилинган, кўплаб меҳмонлар, хорижий парламентлар ва делегация раҳбарлари ўз сафар режаларини ўзгартирди. Улар Президентимиз билан шахсан кўришиш, у кишининг нутқини тинглаш ва бевосита мулоқотда бўлиш иштиғиди эканликларини билдирди. Бу эса Ўзбекистонга бўлган халқаро ишонч, давлатимиз раҳбари шахсиятига нисбатан юксак ҳурмат ва эътиромнинг ёрқин ифодасидир.

Жуда кўп хорижий парламентлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари Президентимиз билан учрашиш истagini билдирди. Уларнинг «Дунёга қулоч ёйиб, шахдам оидимлаётган юртингиз раҳбари билан бевосита суҳбатлашмоқчимиз, дилимиздаги тилканинг шахсан етказишни истаймиз», деган сўзлари барчамизни тўлқинлантириб юборди.

– **«Ижтимоий ривожланиш ва адолат учун парламент харакати» шиори остида бўлиб ўтадиган ушбу халқаро анжуман мавзуси шахсан Президентимиз тақлифига биноан танланган. Айнан шу борада, яъни ижтимоий тараққиёт, адолат ва халқ манфаатларини ифода этишда парламентнинг ўрни борасидаги Ўзбекистон тажрибаси бутун дунёга тақдим этилаётганининг ўзи катта фахрдир. Шу ўринда табиий савол туғилади: умуман олданда, бундай халқаро анжуманларнинг аҳамияти нимада?**

– Фикримни баён этишдан олдин сизнинг саволингизга яна бир савол билан жавоб беришни истардим: бундай халқаро тадбирлар Ўзбекистонга нима беради? Айтиш лозимки, бу нафақат юртимиз, балки бутун Марказий Осиё учун фахрли

ва стратегик жараён. Зеро, биз бугун фақат миллий эмас, балки минтақавий миқёсда долзарблик касб этаётган муаммо ва масалаларга юз тутаятган мамлакатга айландик.

Мана, яқинда – 31 март кунги Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон Президентлари Хўждан шаҳрида учрашиб, уч давлат чегарасининг туташ нуктасига оид шартномани имзолади. Бу ҳужжат нафақат давлатлараро ишонч, балки минтақа келажагига бўлган умумий қарашни ҳам ифода этади. Шу ҳафтадаги яна бир муҳим воқеа – Самарқандда бўлиб ўтган «Марказий Осиё – Европа Иттифоқи» биринчи саммити. Унинг доирасида минтақа давлатлари раҳбарлари ва ЕИ етакчилари учрашиб, ўзаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишни мақсад қилган.

Бундай ташаббус ва учрашувлар – азалий орзу-умидларимизнинг амалий ифодаси. Бу жараёнларда минтақа халқлари нафақат томошабин, балки сиёсий субъект сифатида қатнашмоқда. Марказий Осиё дунё олдиди ўз юзи, ўз сузи ва ўз йўли билан намоён бўлмоқда. Бу унинг янги ўзлиги шаклланаётганидан далolat беради.

150-ассамблея умумий мавзусига келсак, «Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент харакати» деган широк остида камбағалликни қисқартириш, муносиб меҳнат, ижтимоий интеграция ва аҳолининг қарорлар қабул қилишдаги иштирокини кенгайтириш каби кўплаб долзарб масалалар муҳокама қилиниши билан аҳамиятлидир. Сабаби кейинги йилларда дунёда юз бераётган турли глобал муаммолар тўғрисида кўплаб мамлакатларда камбағаллик ва тенгсизлик кучайиб бормоқда. Юзага келган вазият ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган зарур чораларни белгилаб олиш ва уларни амалга оширишнинг аниқ, самарали механизмларини тубдан такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Яна бир факт: ассамблея доирасида қарийб 80 та тадбир ўтказилиши режалаштирилмоқда ва уларнинг ҳар бирида бугунги кун учун долзарб бўлган минтақавий ва халқаро масалалар кўриб чиқилади.

Ассамблеянинг ялпи мажлислари, илтисослашган органлари ййгилишларидаги муҳокамалар, илгари сурилган илғор фоя ва ташаббуслар, қабул қилинадиган ҳужжатлар мана шу масалаларга мамлакатлар парламентлари эътиборини кучайтириш имконини беради.

– **Танзила Камоловна, билишимизча, бу нуфузли сессияни бошқариш, яъни унга раислик қилиш сизга юклатилмоқда. Сир бўлмаса, 150-йубилей ассамблея қайси тилда олиб борилади? Ўзбекистон Сенати раҳбари сессияни қайси тилда олиб бориши ҳаммани қизиқтиради, албатта...**

– Биласизми, буни айтиш, бу саволга жавоб бериш менга жуда катта фахр ва гурур бағишлайди. Мен сессияларни ўзбек тилида олиб бормоқчиман! Албатта, парламент иши 12 тилга таржима қилинади. Бу ташкилий ишлар юқори савияда бажарилади. Биз Президентимиз БМТ минбарига ўзбек тилида нутқ сўзлаганида қанчалик гурурланган эдик. Бу юбилей сессия ҳам ўзбек тилида бошқарилади. Бу шахсан менинг ҳаётимда ҳам жуда катта из қолдирган воқеа бўлади. Бир ўзбек фарзанди, ўзбек аёли, шу юртингиз, ўзбек миллатининг вакили сифатида менга улкан ифтихор бағишлайди...

– **Албатта, мазкур халқаро анжуман шу юрт фуқароси сифатида ҳар биримиз учун муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Анжуман ишида муваффақиятлар тилаб қоламиз!**

Хусан ЭРМАТОВ суҳбатлашди.



ЕИ АҚШ божларига жавоб тайёрламоқда

Европа Иттифоқи 7 апрель кун АҚШнинг савдо божларига қарши жавоб чораларини жорий этди. Бу ҳақда Европа комиссияси вице-президенти Маршо Шефчович маълум қилди.

Унинг сўзларига кўра, «қайта мувозанатга солиш» дея аталувчи жавоб чоралари АҚШнинг умумий қиймати 26 миллиард еврога тенг бўлган темир ва алюминий экспортига қўйган чекловларига қарши жорий қилинади. ЕИ бир қатор соҳаларда АҚШ маҳсулотларига божларни оширишга тайёрланмоқда.

Эслатиб ўтамиз, 2 апрель кун Дональд Трамп барча товарларга – 10, ЕИ учун – 20, Хитой учун – 34 фоизлик янги асосий божлар жорий этган. Трамп «америкаликларни яна бой қиладиган» мазкур қарори жорий этилган кунни «тарихий сана» дея атади.

Трамп: Путин ҳам, Зеленский ҳам келишувга тайёр

АҚШ президенти Дональд Трамп журналистлар билан самолёт бортида уюштирилган суҳбат чоғида Украина бўйича музокараларда силжши кузатилаётганини гапирар экан, Владимир Путин ҳамда Владимир Зеленский тинчлик келишувига тайёр эканликларига ишонч билдирди.

Унинг сўзларига кўра, Киев ва Москва кучли воситачи иштирокчида келишувга эришиши мумкин. Аввалроқ Владимир Путин тинчлик шартларини маълум қилган эди: Украина қўшинларини ДХР, ЛХР, Херсон ва Запорожье худудларидан олиб чиқиш ва НАТОга аъзо бўлишдан воз кечиш. Зеленский эса бу худудларни Россияники сифатида тан олмаслигини айтган, бироқ «уларни дипломатик йўл билан қайтариш ишларида

ишлашга тайёр» эканини билдирган. Трамп, шунингдек, АҚШ Киев билан «сақлаб қолинадиган ва йўқотиладиган худудлар» юзасидан музокара олиб бораётганини ҳам маълум қилди.

Украинага – F-16



Украина F-16 жанговар учоқларининг янги партиясини қабул қилиб олишга тайёр. Бу ҳақда НАТОнинг Европадаги бирлашган қўшинлари қўмондони генерал Кристофер Каволи АҚШ Сенатидаги эшитувларда маълум қилди.

Унинг таъкидлашича, Украина ихтиёрида аллақачон Шимолий Европа мамлакатларидан

дан етказилган бир неча F-16 учоқлари ва пухта тайёргарликдан ўтган учувчилар бор.

Яна кўплаб ҳарбийлар тайёргарликдан ўтмоқда. Генералнинг сўзларига кўра, Украинадаги F-16 лар машқ парвозларида фаол қатнашапти. Шунингдек, Patriot ҳаво мудоффа тизимлари ҳам фаол қўлланилмоқда. НАТО қўмондонлигига кўра, бу воситалар ҳаво ҳужумларини тўхтатишда муҳим ўрин тутмоқда.

Исроил Сурияга зарба берди

Исроил Хомс вилоятидаги Тияс (Т4) авиабазасида Туркия ҳарбий базаси қурилишини ўз манфаатларига таҳдид сифатида қабул қилмоқда. Бу ҳақда Middle East Eye нашри маълум қилган.

Маълумотларга кўра, Туркия ушбу базада Hisar зенит-ракета мажмуалари, ҳаво химоя тизимлари, дронлар ва кузатув инфратузилмасини жойлаштиришни бошлаган. Шунингдек, объектка С-400 тизимларини ўрнатиш имконияти ҳам Москва билан келишилмоқда.

Жавоб сифатида Исроил 3 апрель тонгида Хама, Хомс ва Дераа вилоятларига авиаҳужумлар уюштирди. Сурия расмийларининг хабар беришича, ҳужум оқибатида 9 нафар тинч фуқаро ҳалок бўлган. Хама ва Хомсдаги аэродромларга жиҳдий шикаст етказилган.

Оламғир ОТАЁРОВ тайёрлади

Йилнинг муҳим воқеаси ҳисобланган ҳисобот-сайловларнинг илк босқичи барча меҳнат жамоаларида қизгин кечмоқда. Шу чоққача Самарқанд вилоятида 4161 та бошланғич ташкилотнинг 3400 тадан ортиғида касабакўмлар сайланди. Ходимлар етакчилинка муносиб номзодларни саралаб олишмоқда. Энг муҳими, эътиборга тушган, меҳнаткашлар манфаати ҳимоясида туришга қодир саркорлар сони ортди. Жараёнда иштирок этган 150 минг нафардан зиёд сайловчилар ҳолис ва ҳаққоний курашлар голибларини қўллашди.

Муқобилликка асосланган ҳисобот-сайловлар асоси ҳеч қим «майдондан шунчаки чиқиб кетгани йўқ. Етакчиларнинг ўтган беш йил давомидаги фаолияти сарҳисоб қилинди. Улар орасида қилган ишларидан мамнунлик туйганлари ҳам, ер чишиб, чайналиб қолганлари ҳам бўлди.

— Айни вақтгача бўлиб ўтган сайловларда бошланғич ташкилот раҳбарлигига салкам беш минг нафарга яқин номзод рўйхатга олинган, — дейди Ўзбекистон касабакўмлар Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши Ташкилий ишлар бўлими мудири Райҳона Абдуллаева. — 2772 та бошланғич ташкилотда жамоа меҳрини қозонган, меҳнат муносабатларидаги барқарорлики таъминлай олган қўйи ташкилотларнинг аввалги раҳбарлари сайланди. Аммо 628 та ташкилотда сайловчилар янги етакчи номзодини ёқлашди.

Жанг қурбонсиз бўлмайди, деганларидек, ўтган беш йил мобайнида ташкилотчилик жиловини қўлга оло-

СИНОВ, САБОҚ, ЖУЛОСА

маган, иш маромини бой берганлар назардан қолди. Инсон сифатида уларни ҳам тушуниш мумкин. Ҳаммада ҳам иқтидор, имконият бир хил эмас. Аммо астойдил интилиб, жамоа меҳрига эришмаганларга ичинг ачийди. Ташкилотларнинг бирида ўтган даврдаги фаолияти кўзга кўринмаган касабакўшмаси кўмитаси раиси муқобиллик асосидаги сайловда рақибига ютқазиб қўйди.

— Жамоадорларнинг қайси ўринларда фаолиятимдан қониқиш ҳосил қилмаганини ҳис эътиборга, — дейди у ўқиниб. — Сал бўшлиқ қилдим, чоғи. Бу вазифада мурасосозликка йўл қўйиш одамларнинг ҳафсаласини пир қилар экан.

Мулоқот жараёни етакчининг тасоввурини англади. У ишлаётган жамоада маъмурият ва бир неча ходимлар ўртасида келишмовчилик келиб чиққан. Иш берувчи «шаккоқ»ларни ишдан бўшатиб юборишга касабакўшмаларидан розилик сўрайди. Икки ўт орасида қолган касабакўшми иш берувчи талаби билан «қарши эмасман» қабилда ҳужжат тақдим этган. Қадрлар бўлими эса ана шу «розилик» асосида буйруқ чиқарган. Иш судга оширилган, ходимлар ўз вазифаларига тикланган.

— Бир томондан бошлиқни, иккинчи томондан ҳамкасбларини ўйлаб ташлаган ана шу қадам «карьерам»ни тушириб юборди, — дейди собиқ раис.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари муҳокамасида бундай ҳолатлар ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Жараёнинг муҳим жиҳати, жамоа синовидан ёруғ юз билан ўтаётган етакчилар жуда кўпчилигида. Хусусан, Самарқанд ва Жиззах вилояти Металлургия ва машинасозлик sanoати ходимлари касабакўшмаси тизимидаги корхоналарда ҳисобот-сайловлар таҳлил ва танқидларга асосланмоқда.

Масалан, «Жиззах аккумулятор заводи» АЖДа ўтган беш йил мобайнида жамоа шартномасига киритилган тадбирлар ижроси учун 41 миллиард 173 миллион 163 минг сўм маблағ сарфланган. Биргина 2024 йилнинг ўзида ушбу ҳужжатда меҳнат муҳофазасига оид 28 та тадбир ўтказиш кўзда тутилиб, уларни бажариш учун иш берувчи маблағлари ҳисобидан қарийб 11 миллиард 619 миллион 575 минг сўм ажратилган. Бу 2020 йилгига нисбатан салкам 2 баробар кўп демакдир. Ходимларга тўланаётган иш ҳақи миқдори ҳисобот даврида 85 фо-

ТАҲЛИЛ

изга оширилиб, кам таъминланган оилалар вакилларига 492 миллион 525 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган. Корхонада жамоа шартномаларига киритилган барча бандлар ижросида юксалишни яққол илғаш мумкин. Жамоа аъзолари бошланғич етакчиси лавозимида ишлаб келган Улугбек Уразбаев номзодига ҳеч бир иккиланишсиз ишонч билдиришди.

«Самарқанд автомобиль заводи» МЧЖ қўшма корхонасидаги ҳисобот-сайлов конференцияси ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Корхонада жамоа шартномаси шартлари асосида ҳар бир ходимга сарфланган маблағ миқдори 2024 йил якуни бўйича 53 миллион 867 минг 920 сўмни ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан қарийб 7 баробарга ортган. Ходимларни бепул иссиқ-оққат билан таъминлашга 7 миллиард 780 миллион 373,3 минг сўм, махсус кийим, пойфазал билан таъминлашга 2 миллиард 556 миллион 102 минг сўм ажратилган. Зарарли шартларда ишлаётган ишчи-ходимларга 4 миллиард 556 миллион 102 сўмлик қўшимча тўловлар амалга оширилгани инсон омилига эътибор намунасида. Шу боис жамоада обрў-эътиборга эга Шуҳрат Ҳамдамов янаги муддатга етакчиликка сайланди.

Умуман, бўлиб ўтаётган сайловлардаги фаолият таҳлиллари амалга оширилган ишларга жиддий назар ташлаш, истиқболни белгилаш, хатолардан хулоса чиқаришга асос бўляпти.

Нурилла ШАМСИЕВ «ISHONCH»

«АЁЛЛАР ДАФТАРИ»НИ ВАРАҚЛАГАНДА...

Конимех тумани, «Шўртепа» маҳалласида яшовчи Роваҳон Ахтамбетова «Аёллар дафтари»га киритилгач, иш ўрнига эга бўлди. Бугун унинг қувончи чексиз. — Мен ишсизликдан, оиламиздаги етишмовчиликдан қийналяётган эдим, — дейди у. — Бугун хурсандман. Маҳалладаги тиббиёт бўлимида ишлаяпман. Маош оялман. «Аёллар дафтари»ни ташкил қилган яхши одамлардан миннатдорман...

МУАММОЛАР ЕЧИМИГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Навоий вилоятида ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир, ишсиз, фаол бўлмаган Роваҳон каби опа-сингилларимизни қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилди. Бунда «Аёллар дафтари» жуда кўл келди.

— 2024 йилда «Аёллар дафтари»нинг 5-босқичида 3 минг 775 нафар аёлларнинг бандлиги таъминланди. 322 нафар хотин-қизга имтиёзли кредит олишида кўмаклашилди, — дейди Ўзбекистон касабакўмлар Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши Ижтимоий сугурта бўлими мудири Зайниддин Мислимов. — Боқувчисини йўқотган 8 минг 610 нафар, ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, тезкор тиббий муолажага муҳтож 13 минг 801 нафар, ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд 3 минг 40 нафар хотин-қизнинг барчасига моддий ёрдам кўрсатилди. 379 нафар аёлнинг уй-жой шароитларини яхшилаш чоралари кўрилди. Уларнинг 377 нафарига тураржой ижара тўловининг бир қисмини қоплаш учун компенсация тўлаб берилди, 2 нафари арзон уй-жой билан таъминланди.

Бундан ташқари, боқувчисини йўқотган 188 нафар ҳамда ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, тезкор тиббий муолажага муҳтож 159 нафар хотин-қизнинг уй-жойлари таъмирланди. 26 минг 611 нафар аёл ва уларнинг 1 минг 947 нафар вояга етмаган фарзандлари тиббий кўриқдан ўтказилди. Қолаверса, 3 минг 954 нафар опа-сингилмизга ҳуқуқий, 20 минг 222 нафарига психологик ёрдам кўрсатилди. Олий ўқув юртида таҳсил олаётган 14 нафар хотин-қиз ва «Аёллар дафтари»даги хотин-қизларнинг 3 нафар фарзандига контракт тўловининг бир қисми тўлаб берилди.

Навбахор тумани «Кескантирак» маҳалласида яшовчи 52 ёшли Гулшан Раҳмонова ҳам ишсиз, уйи эса таъмирталаб эди. «Аёллар дафтари»га киритилгач, унинг бошланғич таъмирдан чиқарилди. — Қийналиб қолган, ёрдамга муҳтож пайтимида «Аёллар дафтари» томонидан кўмак берилди. Бунинг учун мутасаддиларнинг барчасидан бениҳоят миннатдорман. Мазкур дафтар мен сингари қўллаб аёллар оғирини енгил қиляпти, — дейди Г. Раҳмонова.

Қайд этиш кераки, Учқудуқ, Томди, Конимех, Навбахор, Нурота туманларида, Зарафшон ва Навоий шаҳарларида ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож минглаб опа-сингилларимиз қўллаб-қувватланди.

«Аёллар дафтари»га киритилганлар Навоий шаҳри, Навбахор, Кармана, Хатирчи, Қизилтепа туманларида нисбатан кўпроқ. Уларни қийнаётган ҳар бир муаммони ҳал этишда алоҳида ёндашув асосида иш олиб бориляпти. Бунда 330 та маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган Аёллар маслаҳат кенгашлари фаолияти қўл келмоқда.

Бугун «маҳаллабай» ишлаш тизимига ўтган барча масъул ташкилотлар раҳбарларининг дафтардаги аёллар билан юзма-юз мулоқоти ташкил этилиши ижобий натижаларни бермоқда.

Вилоятда «Аёллар дафтари»ни юришти тизими инсонпарвар ислохотларнинг ёрқин намунаси бўлиб, муаммолар ечимига элтувчи йўл вазифасини ўтамоқда ва хотин-қизлар учун янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Умид ХУДОЙҚУЛОВ «ISHONCH»

КИМНИНГ ЭССЕСИ ЯХШИ?

Бу йил мамлакатимизда илк касабакўшмалари ташкил этилганига 120 йил тўлади ва ушбу юбилейни кўнглидагидек нишонлаш учун ҳозирдан тайёргарлик кўришмоқда. «Таълим ва фан ходимлари касабакўшмаси ҳафталиги» доирасида пойтахтимизнинг Янгиҳаёт туманидаги 331-умумтаълим мактабида педагог-ҳодимлар ўртасида «Касабакўшмалари — кеча, бугун ва эртага» мавзу-

сида уюштирилган эсселар танлови ҳам ана шу ишларнинг давоми бўлди.

22 нафар педагог-ҳодим касабакўшмалари ҳаракатининг шаклланиши, ривожланиш тенденциялари, ҳозирги фаолияти, меҳнат жамоаларидаги ўрни, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти, муносиб меҳнат шароитлари, иш берувчи ва касабакўшмаси ўр-

тасидаги ҳамкорлик каби масалалар юзасидан ўз билим ва кўникмаларини синовдан ўтказишди.

Махсус комиссия учта энг яхши эссени саралаб олди. Уларнинг хулосасига кўра, 32-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Моҳигул Одилова 1-, 332-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Моҳинур Эсанова 2-ҳамда 331-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Фароғат Умарова 3-ўринга лойиқ деб топилди. Голиблар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Амир АХМЕДОВ

ТАНЛОВ



ҲУҚУҚ



ТАНИ БОШҚА ДАРД БИЛМАС

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касабакўшмаси Намаangan вилояти кенгашининг меҳнат ҳуқуқ инспектори Абдурашид Реджабовга Пахталикўл фтизиатрия ва пульмонология тиббий реабилитация марказидан ишдан бўшатишдан бир неча фуқаролар ҳуқуқлари тикланишида амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган.

Жумладан, марказ ходимларидан Ҳанифа Нажмиддинова, Саида Юсупова, Эътибор Холиқова, Маъмураҳон Мўминова, Мамлакат Олимова, Азизаҳон Маткаримова ноқонуний бўшатишганликлари боис ишга тиклаш ва мажбурий прогул қунлари учун иш ҳақларини ундириб беришини сўрашган.

Кенгашининг меҳнат ҳуқуқ инспектори уларнинг ҳимоясида бўлди. Дастлаб ташкилот раҳбари билан суҳбатлашиб, вазиятга аниқлик киритилди.

Унинг иддаосича, штатлар сони қисқартирилгани сабабли ходимлар ишдан бўшатишган. Аслида, ҳоқим қарорига асосан иш штати қисқармаган, балки бошқа ташкилотга ўтказилиши кўрсатилган, холос. Шундай бўлган тақдирда ҳам, уларнинг узоқ йиллар ишлагани ҳисобга олиниб, янги лавозимга ўтказилиши кераклиги айтилди.

— Ҳужжатлар тегишли тартибда ўрганилганда касабакўшмаси йиғилишининг розилиги олинмагани, ходимларга жавоб ва огоҳлантириш хати бериш тартиби бузилгани аниқланди, — дейди кенгашининг вилоят бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори

А. Реджабов. — Бундан ташқари, бирлашма жамоа шартномасида ҳам қатор камчиликларга йўл қўйгани маълум бўлди.

Иш судгача борди. Фуқаролик ишлари бўйича Намаangan туманлараро суди юқоридаги ноқонуний ҳолатларни ҳисобга олиб, ходимларнинг барчасини ишга тиклаш ва мажбурий прогул даври учун даввогар Ҳ.Нажмиддиновага 35 миллион 343 минг 621 сўм, С.Юсуповага 33 миллион 182 минг 408 сўм, Э.Холиқовага 33 миллион 225 минг 970 сўм, М.Мўминовага 28 миллион 739 минг 713 сўм, М. Олимовага 39 миллион 288 минг 579 сўм, А.Маткаримовага 24 миллион 956 минг 814 сўм иш ҳақи ундирилиши тўғрисида қарор қабул қилди.

Адолат қарор топди. Лекин раҳбарнинг биргина ноқонуний буйруғи билан 6 нафар аёл қанчалар сарсон бўлгани, қанчалар дилхиралликлар рўй берганини фақат уларнинг ўзлари билишади. Ҳар қалай, ҳалқимиз «Тани бошқа дард билмас», дея бежиз айтмаган.

Анваржон ҲАЛИМОВ «ISHONCH»

АЪЗОЛИК АФЗАЛЛИКЛАРИ

ИШОНЧ — МАЪСУЛИЯТ ДЕМАК

Агросаноат мажмуи ходимлари касабакўшмаси Зангиота тумани кенгаши 1513 нафар аъзога эга. Улар орасида фермер хўжаликлари, кластерлар, деҳқон ва миришкорлардан тортиб, хусусий таълим ташкилотлари ва корхоналар ҳам бор. Айни пайтгача барчасида ҳисобот-сайловлар бўлиб ўтди. Конференция ва йиғилиш шаклида кечган ҳисобот-сайловларда касабакўшмалар ўтган давр давомида қилинган ишлар бўйича аъзолари олдида маъруза қилишди. Муаммоли ва баҳсли саволларга жавоб беришди.

— Бугунги ҳисобот-сайловлар бошқача фаолликда ва савоп-жавобларга бой бўлмоқда, — дейди Зангиота тумани кенгаши раиси Собир Сатторов. — Сайловчилар ўзларининг ҳуқуқларини ҳимоя қила олишига ишонган номзодларни сайлашмоқда. Масалан, туманимизда агросаноат йўналишида 12 та корхона сафимида бўлиб, сайловлар ўта қизгин кечди. Кимдир қўшимча таътиллار билан қизқиса, кимдир моддий ёрдам олиш тартиби ёки кимдир жамоа шартномаси тузишнинг аҳамияти билан қизқиса.

12 та корхонадаги бошланғич касабакўшмаси раисларининг 8 нафари ўрнига янгалари сайланди, 5 нафар касабакўшма етакчиларига яна ишонч билдирилди.

Ҳадемай юртимизда Касабакўшмалари ҳаракати бошланганининг 120 йиллиги нишонланади. Шу боис ҳар бир конференцияда иштирокчиларни ушбу ҳаракатнинг тарихи, илк касабакўшмалари темирйўл ишчилари ва алоқа ходимлари асос солгани, «Касабачилик» журнали чоп этилгани, унга жадид бобимиз Абдулла Авлоний бош муҳаррирлик қилгани, у кишининг касабакўшмаларидаги фаолияти ва бошқа қизиқарли маълумотлар билан таништирилди.

Корхоналарда аъзолар билан бўладиган учрашуларда одатда саволларга йўлланма олишга оид саволлар доимо кўп бўлади. Шу боис туман кенгаши томонидан «Бек Барака» иختисослашган савдо комплекси МЧЖда маъмурият ва ишчи-ҳодимлардан иборат аъзолар учун семинар ўтказилди. Унда Ижтимоий сугурта ва касабакўшмалари фондларидан бериладиган йўлланмаларнинг фарқи ҳамда қулайлиги, олиш тартиблари тушунтирилди.

Зангиота тумани кенгаши аъзо-

лигига янги қабул қилинган Амалий фанлар ҳамда Бизнес ва фан университетларида яқинда 2025–2027 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси муҳокамасига бағишланган учрашув уюштирилди. Унда янги қабул қилинаётган жамоа шартномасига киритилган имтиёз ва кафолатлар, унинг ходимларга берадиган имкониятлари тўғрисида тушунтириш олиб бордик. Натижада университетда ҳамма бир овоздан жамоа шартномасини қабул қилди.

— Янги аъзоларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратганимиз, — дейди кенгаш ходимаси Жамила Ҳамроқуллова. — 2025 йилнинг уч ойи давомида тумандаги қандалат махсуслотлари ишлаб чиқаришга иختисослашган «MOS reka» МЧЖнинг 58 нафар ходимини, «АРК Булоқ» савдо комплексининг 60 нафар ходимини сафимизга қўшишга улгурдик.

— Хусусий корхоналарни аъзоликка жалб қилиш ҳам осон иш эмас, — дейди Ж. Ҳамроқуллова. — Шу боис янги аъзоларга жамоа шартномаси қандай имкониятлар тақдим этишини, ходимларнинг ҳуқуқлари ҳимояланиши, хасталаниб ишга келолмаганда касаллик варақаси топшириши ва у орқали ишламаган қунлари учун тўловлардан бутунлай мусову бўлиб қолмаслигини тушунтирилди.

Зеро, аъзоларимизнинг ишончи бизга масъулият юкласа, уларнинг қулай ва муносиб меҳнат шароитларда ишлаши, саломатлиги оиласининг, жамиятимизнинг бойлигидир. Биз ижтимоий ҳимоя, меҳнат муҳофазаси ва ходимлар ҳуқуқларини таъминлаш орқали бу бойлиқни асрашга бор билимимиз ва кучимизни сарфлаймиз.

Зебо НАМОЗОВА «ISHONCH»

■ АНЖУМАН

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ – ЭНГ МУҲИМ МАСАЛА

Маълумотларга кўра, дунё бўйича меҳнат жараёнларида ҳар йили тахминан 300 миллиондан зиёд бахтсиз ҳодиса содир бўлади. Шунингдек, 160 миллионга яқин турли касб касалликлари рўйхатга олинади. Ачинарлиси, ишлаб чиқариш ва касб касалликлари оқибатида 2 ярим миллиондан ортиқ ишчи ҳаётни тарк этар экан...



Тилсиз сўзлаётган рақамлардан хулоса шуки, жамоаларда техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасига оддий масала сифатида қараб бўлмайди. Аксинча, унга энг муҳим, биринчи галда таъминлашни лозим бўлган вазифа ўлароқ ёндашиш жоиз. Зотан, бундан ҳам иш берувчи, ҳам ходим бирдек манфаат топиши, шубҳасиз.

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши фаолиятининг 120 йиллиги ҳамда 28 апрель – Бутун жаҳон меҳнатни муҳофазаси килиши кунига бағишлаб, Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида қирқдан зиёд корхона-ташкилот иштирокида «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, инновацион технологияларни жорий қилиш орқали меҳнатни муҳофазаси қилиш шароитларини яхшилаш» мавзусида ўтказган амалий семинарда шу ҳақда сўз борди.

Унда Ўзбекистон Иш берувчилари конфедерацияси ижрочи директори Эка Маргишвили, Федерациянинг Бандлик бош бошқармаси давлат меҳнат инспекциясининг меҳнатни муҳофазаси бўйича давлат техник инспектори Миромар Мирҳомидов ҳамда «Modern Medicine Alliance» МЧЖ раҳбари ўринбосари Сардор Қодиров ва бошқалар иштирок этди.

Таъкидланганидек, касба уюшмалари корхона ва таъминотларда хавфсиз меҳнат шароити яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини олдини олиш борасида қатор хайрли тадбирларни адо этиб келмоқда. Бундан ташқари, ходимларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари, кадр-қиммати, муносиб иш ҳақи билан таъминлигини каби йўналишларда ҳам мақташга арзишлик ишлар талайгина.

– Тасарруфдаги қатор ташиқлот ва корхоналарда касб касаллиги ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича доимий ўрганишлар олиб борилади, – дейди Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассиси Марат Адиллов. – Яширининг ҳолати йўқ, бу жараёнларда «Меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги қонун талабларига тўла риоя этилмаётган ҳолатларга ҳам дуч келамиз. Бундай вазиятда иш берувчидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш, ишчи-ходимларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш, уларни махсус кийим-бош билан таъминлаш ва техника хавфсизлигига қатъий риоя этилишини талаб қиламиз.

Гал меҳнат муҳофазаси ҳақида кетаркан, корхона ёки таъминотларда бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлаётган омилларга тўхталмасликнинг иложи йўқ. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бундай кўнгилсизликлар замирида меҳнат муносибатларига оид қонунчиликка, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этмаслик, иш берувчилар томонидан муносиб меҳнат шарт-шароитлари яратилмаслиги каби сабаблар ётибди. Муаммони бартараф этиш йўлида эса ушбу семинарларнинг аҳамияти катта.

Тадбир асоси бошқа масъуллар ҳам ўз йўналишидан келиб чиқиб, фикр-мулоҳазалар билдиришди. Хусусан, Бандлик бош бошқармаси давлат меҳнат инспекциясининг меҳнатни муҳофазаси бўйича таъминот инспектори Миромар Мирҳомидов ўз маърузасида корхоналардаги бахтсиз ҳодисаларнинг сабаблари, меҳнат муҳофазаси борасида меъёр ва қоидаларни ишлаб чиқиб, амалиётда жорий этиш, иш берувчилар меҳнат муҳофазаси бўйича амалдаги қоида ва меъёрларга риоя қилиниши устидан қатъий назоратни таъмин-

лаш кераклиги хусусида бир қанча тақлифлар берди.

– Модомики, иш берувчилар кўл остидаги хизматчиларга муносиб муҳит яратмас экан, ишлаб чиқаришда олдинга силжиш бўлмайди, – деди Ўзбекистон Иш берувчилари конфедерацияси ижрочи директори Эка Маргишвили. – Инчунин, айнан қулай ва хавфсиз меҳнат шароити самардорликка таъсир қилувчи энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шундай экан, ҳар бир ташкилот, аввало, тегишли қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий амал қилган ҳолда фаолият олиб бора, ишлаб чиқаришда кўнгилсиз воқеа-ҳодисалар рўй бермайди.

Мутасаддининг қуёнганча бор. Ҳақиқатан ҳам, ишлаб чиқаришда содир бўлаётган кўнгилсизликларнинг сабаби ўрганилганда аксарият ҳолларда муаммо иш берувчига бориб тақалаётгани ойдинлашмоқда. Айрим раҳбарлар ўз вазифасига совуққонлик билан қараши, кўл остидаги ходимларга етарлича меҳнат шартини яратмаслиги оқибатида кимдир яқиндан айрилиши ёки унга бирон-бир зиён-заҳмат етиши адолатдан эмас. Ҳар ҳолда, гап инсон ҳаёти ҳақида кетмоқда. Бир меҳнаткашнинг бошига тушган мусибат нафақат унинг, балки оиласининг тақдирини ҳам ўзгартириб юборади. Иш берувчилар бундан ҳурқат ҳис этиб, ўз вазифаларига масъулият билан ёндашишлари зарур.



Гулумжон МИРАХМЕДОВ «ISHONCH»

■ МУЛОҲАЗА



ЖАВОБГАРИНГ КИМ БЎЛСА ҲАМ... ҚОНУН НЕ ДЕСА – ШУ!

Ёхуд Андижонда меҳнат низоларига қандай ечим топилаётгани хусусида

Ҳадемай фуқаролик ишлари бўйича Бўстон туманлараро судида навбатдаги меҳнат низои кўриб чиқиши керак. Бир мuddат аввал қақирув қозғоли юборилганига қарамай, кунни кеча судья ёрдамчиси тарафларга қўнғир оқ қилиб, яна қайта тайинлаган: «Суд мажлисига кечикманлар-а!..».

Сўз бораётган низоининг бошқа турдаги суд ишларидан фарқи бир жиҳати бор – муҳокама йиғирма кундан кечиктирмай якунланиб, қарор қабул қилиниши керак. Чунки судья меҳнат муносибатларига оид масалаларни кўриш мuddатини бошқа тоифадаги ишлар каби алоҳида ажрим чиқариб, узайтиришга ҳақли эмас. Бу – қонун талаби. Ёрдамчининг «Кечикманлар-а!» дея тақорор-тақорор эслатишидан мuddао ҳам шу – бугунги мажлиси бошқа кунга қолдирмаслик.

Тарафлар ҳам масъулиятни ҳис этиб, аллақачон суд залида ҳозир бўлишган. Давъогар – Гулбаҳор опа ўйчан ўтирибди. «Суд қандай якун топаркин?» деб ўйлаётгани ё анчадан бери иш ҳақи ололмаётгани моддий аҳволига жиддий таъсир кўрсатгани хаёлидан ўтпагани – англаш қийин. Аммо нигоҳидан ушбу муаммо уни маҳкамага қадар етаклаб келгани кўнғилга оғир ботгани кўриниб турибди. Қаршида ўтирган ишхонасидан вакил – жавобгар хаёлан бўлажак саволларга тайёрланипти, чамаси. Учинчи одам – соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси вилоят кенгашининг меҳнат-ҳуқуқ инспектори Шаҳобиддин Деҳқонов олдида турган бир тахлам ҳужжатларга тақорор-тақорор кўз ташлаб, бўлажак процессга тайёргарлик кўрапти. Бир мuddат давом этган сукуддан сўнг ниҳоят сўз бошланди. Давъонинг моҳияти қизиқ: Гулбаҳор Азимова 1995 йилда туман тиббиёт бирлашмасига фельдшер вазифасига ишга қабул қилинган. 2023 йилнинг апрель ойида ярим ставка иш билригидаги санитарка вазифасига ўриндоқлиги асосида штатлар жадвалига асосан қабул қилин-

ган бўлса-да, 2024 йилнинг февраль ойидан бошлаб унинг иш ҳақи тўловлари ҳеч қандай сабабларсиз, ҳе йўқ, бе йўқ, тўхтаб қўйилган.

Хуллас, иш берувчининг қарори ниҳоятда заиф, «пуф» деса, учиб кетгулик. Шундай бўлди ҳам. Суд фуқаро манфаатини кўзлаб, ариза киритган касба уюшма вакиллари давъоси билан ҳам, жавобгар эътирозлари билан ҳам тўлиқ танишиб, далилларни батафсил ўрганиб ҳамда жавобгардан Гулбаҳор Азимова фойдасига қайд этилган санага қадар тўлаб берилмаган 15 миллион сўмга яқин иш ҳақини ундириш ҳақида тўхтама қолди.

Давъонинг қаноатлантирилиши – ўз йўлига. Суд ҳатто яқунда Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига зикр этилган низо бўйича хато ва камчиликларга йўл қўйган масъул шахсларга нисбатан чора кўриш, шу каби камчиликларнинг олдини олиш юзасидан таъсир чораси – хусусий ажрим ҳам чиқариб берди. Хусусий ажрим моҳияти, жайдари тилда айтганда, «бу нима бедодлик, тизим масъулларининг ҳар бир хатти-ҳаракати қонун доирасида бўлиши шарт» деган мазмунни ифода қилди...

Бир иш мисолида меҳнат низолари хусусида сўз борар экан, рақамларга ҳам мурожаат қилиш жоиз. Эътибор бериб, 2024 йил давомида Андижон вилояти фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлари томонидан меҳнат низолари билан боғлиқ жами 438 та иш кўриб чиқилган. Уларнинг 229 таси бўйича давъо аризалар қаноатлантирилган, 112 таси рад этилган. Давъоларнинг маълум қисми

бўйича иш юритиш тугатилган бўлса, яна бир қисми кўрмасдан қолдирилган. Яна бир жиҳат: мазкур низоларнинг 193 тасини ишга тиклаш, 170 тасини эса иш ҳақини ундириш ҳақидаги давъолар ташкил этибди.

Турган гап, айни тоифадаги низоларнинг кўпчилиги киши дилини хира қилади. Ноқонуний буйруқлари билан ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини поймол қилган, уларни судма-суд юришга мажбур этаётган иш берувчиларнинг қонунларга амал қилмасликлари, Меҳнат кодекси талабларини нотўғри талқин этишлари жиддий ўрганилиб, тизимли равишда бартараф этилиши зарур. Кўнғилга таскин берадиган жиҳати эса, одамларда, хусусан, ташкилот-корхоналар ходимларида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий билим юксалиб бораётгани билан боғлиқ. Бугун меҳнат ҳуқуқи топталган ходимларнинг аксарияти бўйин эгиб, қўл қовуштириб, тақдирга тан бериб ўтиргани йўқ – ташиқлот иш берувчиси валломат бўлса ҳам, унинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан тап тортмай судга аруз шикоят кирилтаётди. Ишчи-ходимларнинг баъзан судга қадар, аксар ҳолларда эса маҳкама орқали меҳнат ҳуқуқлари тикланишида касба уюшмалари мутахассислари чин маънода тиргак-суянчиқ вазифасини бажарётганига алоҳида ургу бериш шарт эмасдир. Зотан, қузатувлардан ҳам кўриниб турибди – касба уюшмалари тизимида ишлаётган меҳнат ҳуқуқ инспекторларини ҳар доим ҳам иш кабинетидан топиш мушкул: бугун вилоят марказидан 80 километр олдига ҳудуддаги суд муҳокамасида қатнашса, эртасига бошқа бир ариза юзасидан қўшни тумандаги иш берувчи билан музокара олиб бориш учун йўлга оланади...

Қолаверса, вилоят судининг фуқаролик судлов ҳайъати билан ҳам доимий мулоқотлар ўрнатилган: суд, бандлик идораси ва касба уюшмалари ҳамкорлигида ўтаётган семинарларда меҳнатга оид муносибатларни тартибга солиш, мажбу турдаги низоларга адолатли ечим топиш, меҳнат низоларига сабаб бўлаётган ҳолатларнинг олдини олиш каби жиҳатлар бўйича мунтазам жиддий мунозаралар давом этаётди. Мазкур семинарларга меҳнат низолари кўпайган соҳалар раҳбарлари ҳам жалб этилиб, йўл қўётган хато-камчиликларни тушунтирилади. Муддао битта: қайноқ ҳаёт ичда муҳокама тинмаётган меҳнат низоларини имкон қадар камайтиришга эришиш.

...Ушбу битиклик қозғога ташаётган паллада фуқаролик ишлари бўйича Избоскан туманлараро судида кўриб чиқилган навбатдаги низоининг якуний тафсилотлари ҳақида яхши бир музда келди. Давъогар Муҳамбатхон Зокирова туман тиббиёт бирлашмаси раҳбарига нисбатан ишга тиклаш, мажбурий прогн кунари учун иш ҳақи ҳамда маънавий зарар ундиришни сўраб судга мурожаат этганди. Муҳокама жараёнида тарафлар ихтиёрий равишда келишувга эришилди. Ходим давъосидан воз кечи, иш берувчи уни ишга тиклаш мажбуриятини ўз зиммасига олибди. Суд келишув битимини тасдиқлаб берди. Шоир айтимоқчи, «қилса бўлар экан-ку». Муроаса-ю мадорга нима етсин ахир?!



Нурилло НУЗМОНОВ «ISHONCH»

■ УЧРАШУВ

Моҳир тарбиячилар изланмоқда

Ҳудудларда айни кунларда болажонларнинг ёзги оромгоҳларда мароқли дам олишларини таъминлаш мақсадида мавсумга тайёргарлик ишлари бошланган. Шу мақсадда Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини таъминлаш департаменти Тошкент вилояти бошқармаси Чирчиқ давлат педагогика институтини ўқитувчи ва талабалари билан учрашув таъмин этди. Унда «Геолог», «Афсона» ва «Ниҳол» лагерлари раҳбарияти ҳам қатнашди.

Учрашувда иштирокчилар оромгоҳларнинг бугунги ҳолати, яратилган шарт-шароитлар билан таништирилди. Бу масканларда болажонлар нафақат дам олишлари, балки турли ўқув машғулоти орқали интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришлари, турли спорт мусобақалари орқали жисмонан бақувватлигини оширса, ақлий машқлар миясини чарқлатишга ёрдам бериши алоҳида таъкидланди. Болаларга бундай имкониятларни яратишда моҳир педагог ва тарбиячиларга эҳтиёж борлиги айтилди.

– Биз бир қатор ўқув муассасаларидан тарбиячи ва спорт мураббийларини танлов асосида оромгоҳларга ишга олапмиз, – дейди департаментнинг Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи Феруз Файзуллоев. – Улар дам олишларининг наинки моҳир тарбиячиси, балки яқин дўсти, ўз ишининг, мутахассислигининг устаси бўлиши керак. Тадбир жараёнида оромгоҳларда ишлашга талабгор ўқитувчи ва талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга соҳа мутасаддиларидан жавоблар олишди.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА «ISHONCH»

Бир сўз борки, у илк бор туркий давлатларда майда савдогар ва қосиларга нисбатан «қосиб» шаклида ҳам қўлланилган. Ўзбекистонда бу сўз ҳақида гап кетганда 11 ноябрь тилга олинади. Савол: унлилари бир хил бўлган ушбу сўз нима?

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиши, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан ўтказилган «Заковат» интеллектуал ўйинида ёшлар ушбу саволнинг жавоби – «касаба» сўзини топишга қўйналишмади. Сабаби, бугун ҳар бир олий таълим даргоҳида касба уюшмалари бор, ҳаттоки айрим университетларда талабалар ҳам касба уюшмасига аъзо бўлган.

Тошкент архитектура-қурилиш университетиде таъмин этилган интеллектуал ўйин



ТАФАККУР «ЗАКОВАТ»ДА ТОВАЛЛАНАДИ

Касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллик байрами олдидан уюштирилиб, Тошкент архитектура-қурилиш университети «Архитектор» жамоаси, Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети «Бунёдкор» жамоаси, Тошкент давлат транспорт университети «Мухандислар» жамоаси ҳамда Тошкент кимё-технология институтининг Янгийер филиали «Янгийер филиали» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Беллашувдан олдин иштирокчилар ва

тармоқ касба уюшмаси Республика кенгаши «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида тадбир иштирокчилари томонидан Тошкент архитектура-қурилиш университети ҳудудига манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Мезбон университет ректори Баҳром Тулаганов бу жараёнда иштирокчилар билан биргаликда кўчаларнинг яшилдириш ишларига бош бўлди.

Ўзбекистон Республикаси мадҳияси билан бошланган билимлар беллашувини Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Шухрат Муҳаммадханов кириш сўзи билан очиб деб эълон қилди. Тошкент архитектура-қурилиш университети академик фаолият бўйича проректори Рустамхон Ходжаев, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Ешлар билан ишлаш бўлими бош мутахассиси Амирбек Нарзуллоевлар сўзга чиқиб, юртимиз илм-фан бешиги бўлганини, университетда таҳсил олаётган бу ёшлар ҳам ҳаётининг энг кўп ўқиб-ўрганадиган даврида эканини, ундан унумли фойдаланиши зарурлигини айтиб ўтдилар.

Қизгин ва муроасиз кечган баҳсларда барча жамоалар ўзларининг интеллектуал билимлари доирасида фаоллик кўрсатишди.

■ ТАДБИР

Ҳатто бошқаларга нисбатан суст қатнашган жамоа ҳам 70 фоиздан ортиқ саволларга тўғри жавоб бергани таъкидланди. Натижага кўра, фахрли 1-ўринни мезбон – Тошкент архитектура-қурилиш университети жамоаси, 2-ўринни Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети жамоаси, 3- ва 4-ўринларни эса Тошкент давлат транспорт университети ҳамда Тошкент кимё-технология институтининг Янгийер филиали жамоалари эгаллашди.

– Заковатчи ҳар кунни иши ва ўқиши бўлишига қарамадан, турли қизиқарли маълумотлар, китоблар мутолаасига вақт топиши керак, – дейди беллашувда фаол иштирок этган, «Мухандислар» жамоаси сардори Жонибек Эшов. – Биз университетимизда ҳар пайшанба кунни дарсдан кейин турли жамоалар билан беллашувлар уюштирамиз. Бўш вақтимиз топилиб дегунча қизиқарли маълумотлар бериб бориладиган интеллектуал билимлар жамланган 50 дан ортиқ ижтимоий тармоқларни қузатганда, китоблар ўқиймиз. Бугунги беллашувда иккинчи ўринни олганимиз илганишларимизнинг самараси бўлиб, келгусида бундан ортиқ билимларни эгаллашимизга туртки бўлади, деб ҳисоблайман.

Тадбир якунида ўйин ғолиблари ва иштирокчи жамоалар аъзолари касба уюшмаси Республика кенгаши дипломлари ва қимматбахо совғалар билан тақдирландилар. Тадбирни таъминлаштиришда муҳим ўрин тутган Тошкент архитектура-қурилиш университети ректори ва касба уюшмаси қўмитасига Республика кенгаши томонидан ташаккурнома билдирилди.

Зебо НАМОЗОВА «ISHONCH»
Эъзоза УМУРЗОҚОВА олган сурат



ҲАММА БОЙ БЎЛСИН!

Ҳар бир инсон молиявий мустақилликка эришиш орзусида бўлади. Буни амалга оширишда илм, меҳнат, саъй-ҳаракат ва имкониятлар муҳим ўрин тутати. Шу билан бирга, фақат молиявий бойликни кўзлашнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу борада соғлом иқтисодий муҳит ва ижтимоий барқарорлик ҳам муҳимдир. Шу маънода юртимиз аҳолисини камбағалликдан олиб чиқиш учун умум-миллий ҳаракат олиб борилмоқда ва иқтисодий тизимда кенг имкониятлар яратилишига эътибор қаратилмоқда. Аёллар бандлиги, ёшлар бизнеси, маҳаллалар тараққиётини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўллаб-қўйиш лойиҳалар амалга оширилмоқда. Зотан, ижтимоий барқарорлик, таълим ва яратилиш имкониятлари мавжуд бўлса, одамлар ўзлари учун молиявий фаровонликка эришиш йўллари бемалол топишлари мумкин.

Биз бу борада дунёнинг бой одамлари босиб ўтган муваффақиятли йўллари ҳақида сўз юритишимиз мумкин. Масалан, дунёнинг энг бой одамларидан бўлган Билл Гейтс ва Марк Цукербергнинг ҳаёти бизга муҳим сабоқ бўла олади. Гейтс Microsoft корпорациясини қуриш орқали ҳашаматли ҳаётга қадам қўйди, фақат техник билимлар ва инновациялар орқали иқтисодий муваффақиятларга эришди. Марк Цукерберг эса Facebookни яратишда ахборот технологиялари ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш орқали ўз бойлигига асос қўйди. Улар босиб ўтган йўл

шуни кўрсатмоқдаки, агар жамиятда имкониятлар бўлса, тўғри ва самарали фойдаланиш орқали катта муваффақиятга эришиш мумкин. Ҳар қандай моддий юксалиш асосида, аввало, билим ва меҳнат ётади. Яъни бойлик манбаи ҳар жиҳатдан билимга боғлиқ. Инсон янги билим ва кўникмаларга эга бўлиш орқали фақат молиявий жиҳатдан эмас, балки маънавий жиҳатдан ҳам бой бўлмоғи лозим. Гап шундаки, бойлик абадий бўлиши учун фақат қимматли активларга эмас, балки аҳамиятли ва инсонга фойда келтирадиган ишларга эътибор қаратиш муҳимдир. Яна бир бадавлат шахс Воррен Баффет ҳаётини алоҳида тилга олишни истардиқ. У дунёнинг энг катта сармоявий инвесторларидан бири, ўз бойлигини яратишда қисқа ва узоқ муддатли инвестициялар билан бирга, билимга ва соғлом иш тажрибасига алоҳида эътибор қаратган. Унинг фикрига кўра, билим ва тажриба бу молиявий муваффақиятнинг асосий қалитидир. Баффетнинг тажрибаси шуни кўрсатадики,

ФИКР

агар инсон иқтисодий билимга эга бўлса, у молиявий бойликка эришиш учун катта имкониятларни қўлга кирита олади.

Жамиятда барча инсонлар бой бўлиши учун тенг имкониятларга эга бўлиши керак. Бу, ҳақиқатан ҳам, ижтимоий адолат, барқарорлик ва инсониятнинг ҳар бир аъзосига бўлган муносабатлардаги тенгликка асосланади.

Молиявий бойликни тушунишда ижтимоий муҳит ҳам муҳим омил саналади. Бу дунёда бирон кимса бой бўлса, унинг бойлиги кишилик жамиятига ҳам таъсир қилиши керак. Чунки агар жамиятда ахлоқ, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик бўлса, ҳар бир инсон ўз ҳаётини ривожлантириш учун зарур имкониятларга эга бўлиши мумкин.

Илон Маск SpaceX ва Tesla каби лойиҳалар орқали дунёдаги энг инновацион компаниялар асосчисига айланди ва унинг корхоналари жамият учун ижтимоий таъсир кўрсата олади. Маскнинг ижтимоий масъулиятга оид қарашлари шуни кўрсатадики, биз фақат молиявий бойликни қўлга киритиш билан чекланмасдан, жамиятга ижобий таъсир кўрсатишни ҳам назарда тутишимиз лозим.

«Ҳамма бой бўлсин» – бу ушшамас орзу эмас. Агар бу орзунинг рўёбга чиқариш учун бошланган умумий миллий ҳаракатга ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ҳисса қўшса, албатта, ижобий ва самарали натижаларга эришиш мумкин. Муҳими, барча инсонлар учун тенг имкониятлар, ижтимоий барқарорлик ва соғлом иқтисодий муҳит яратиш зарур. Бунинг учун, аввало, таълим, ахлоқ ва маънавиятга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

MUASSIS:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hayati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hayati raisi), Ulug'bek JALIMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullah AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OLIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehriiddin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir Husan ERHATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxonlaryo viloyati – (+998-99) 379-13-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridagi farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: G. Mirahmedov

Musahhirlar: D. Xudoyberganova, U. Xudoyberganova

Sahifalovchi: H. Abdullalilov

Bosishga topshirish vaqti – 04:00
Topshirildi – 04:20

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillim: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 32 448 ta

Shundan: 6 257 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

18 276 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

7 915 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazetaning poligrafik jihozdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul.

Gazetaning etkazib berilishini ta'minlash uchun obunani rasmiy tanishtirgan tashkilot javobgar.

Gazeta ofset usulida, A2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma tabaq. Bayurtima G-411
1 2 3 4 5 6

МЕНИНГ ҲАМ ЎЗ ДУНЁЛАРИМ БОР

КЕЧИНМА

Ҳар бир инсоннинг қалбида сирли бир олам яшайди. Бу оламда сўзлар айтилмайди, фақат ҳислар тилга киради. У ерда менинг ўйларим, орзуларим ва кечинmalarим бор. У ерда сиз кўрмаган ҳикоялар, сиз эшитмаган қўшиқлар яшайди.

Менинг ҳамма ҳам энглайвермайдиган дунёларим – тинчлик манзили. Бу ерда мен жамият белгиланган қоидалардан озодман. Ҳар қандай ниқобларни ечиб ташлайман ва ўзим билмаган ҳолда болаликдаги орзуларимни қайта топаман, вақт ва макондан кутулиб, ҳақиқий менликни ҳис қиламан.

Менинг сиз билмаган дунёларимда кўрқувлар ҳам бор. Улар кўзга кўринмайди, лекин ҳис этилади. Мен улар билан ҳар кун курашаман. Бу курашда мағлуб бўлмаслик менинг яшашим сабабига айланади.

Бу дунёда сизга айтилмаган гапларим бор. Улар кўрқувдан эмас, балки тил билан ифодалаб бўлмайдиган туйғулардан иборат. Уларни тушуниш учун кўнгил билан қараш керак.

Менинг сиз билган дунёларим – менинг ҳақиқий борлигим. Сиз уни тушунишга уринасизми, йўқми, буни билмайман. Аммо у дунё мен учун қадри. Чунки у ерда мен ўзимман.

Ҳар кимнинг қалбидаги бу дунёни тушуниш учун эҳтиром ва сабр билан қараш керак. Шунинг ўзи одамларга яқинлашишнинг йўлидир.

Онамнинг кўзларида шундай чуқур муҳаббат борки, у муҳаббат фақат ўз болалари учун яшайдиган инсоннинг қалбидан чиқади. У кўзлардаги ҳар бир нур болаликда кўрган орзу-ҳавасларим, ёшлигимдаги қувончли онларим ва ҳаётнинг барча қийинчиликларига қарши курашиш учун керак бўлган кучимдир.

Кўпинча, ҳаётнинг ташвишлари туйғуларимга нунга етарлича меҳр ва вақт ато этмаганимни ҳис қиламан. Аммо унинг кўзларига боққанимда, доим кеңирим ва чексиз муҳаббатни кўраман. Шу боис бахтни доимо онамнинг кўзларида яширин ҳолда кўраман.

БАЪЗАН СУКУТ ЭНГ ТЎҒРИ ЙЎЛДИР

Ҳаётда шундай онлар борки, сўзлар биз учун фойдасизга айланади. Айрим ҳолатларда биз ўз ҳис-туйғуларимизни, ҳаётимиздаги сирли қараёнларни сўзлар билан тушунтира олмаيمиз. Ана шундай пайтларда ўйга толиш – энг тўғри йўл бўлади.

Сукунат – кучсизликнинг эмас, ақллилик ва сабрнинг белгиси. Ҳар қандай вазиятда ҳам оғзимиздан чиқадиган ҳар бир сўз масъулиятни талаб қилади. Ножўя сўз қалбни озорлайди, муносабатларни бузади. Шу боис баъзан ўз сўзларингни жилаб, ҳодисаларни тушунишга имкон бериш энг яхши ечим ҳисобланади.

Сукунатнинг яна бир афзаллиги бор – у фикрларингни жамлайди. Жимлик орқали инсон ўзининг ички оламига назар ташлайди, тафаккур қилади, ўзини ва бошқаларни тушунишга ҳаракат қилади. Шу орқали бир қарашда мураккаб бўлиб кўринган муаммоларнинг ҳам ечимини аниқланади.

Баъзан вазият сўзлашишни талаб қилмайдигандай туюлиши мумкин, лекин унинг самараси шубҳали бўлса, сукут сақлаган афзал. Чунки ҳар бир сўз вақтида айтилгани яхши.

Шундай қилиб, сукут – бу ҳимоя, сукут – бу ҳурмат ва сукут бу тинчликдир. Зеро, баъзан ҳаётдаги энг катта донолик ҳеч нарса демасликдир.

ОДДИЙЛИКДА ҲАЛОВАТ БОР

Оддийлик – бу табиийлик ва тўғриликнинг тимсоли. Унинг ортида катта бир ҳикмат ётади. Ҳар кунлик ҳаётимизнинг шовқин-суронлари, мураккаб муносабатлар ва керагидан ортиқча юклар остида кўпинча оддийликнинг ҳақиқий қадрини унутиб қўямиз.

Оддий ҳаёт бизга нафақат энгиллик, балки ўзига хос ҳаловат тухфа этади. Табиати кузатинг: чимларнинг майин ҳилпираши, қўшларнинг сайраши ёки кун ботишининг сокин манзараси – буларнинг барчаси оддийликнинг гўзал намуналаридир. Бироқ бу нарсалар инсон қалбига чуқур таъсир қила олади, чунки улар орқали руҳий сукунат толаман.

Мураккаб ва зўриқишга берилган замонамизда оддий ҳаётни танлаш, ўзингга ақин бўлган нарсаларга қониқиш билан яшаш катта жасорат талаб қилади. Шундай ҳаётда инсон ҳақиқий бахтга эришади.

Шу сабабли ҳаётимизда оддийликка ўрин беришимиз керак. Ҳар нарсада мувоzanатни топиш, беҳуда нарсалардан воз кечиш ва қалбимизда руҳий сокинликни сақлаш бизга ҳақиқий ҳаловатни ҳис қилиш имконини беради. Оддийликда буюклик бор, чунки у инсонни табиийлигича қабул қилишга ўргатади ва унинг туб моҳиятини англашга кўмаклашади.

Ислом ЭҒАМБЕРДИ ҒУЛИ

БАХТНИ ОНАМНИНГ КЎЗЛАРИДА КЎРАМАН

Бахт – ҳар ким учун ўзига хос тушунча. Кимдир уни катта ютуқларда, кимдир молу давлатда кўради. Мен учун эса бахт – онамнинг меҳрга тўла, нурли кўзларига боқишдир. Онамнинг кўзлари ҳаётимнинг энг илк ҳис-туйғуларини, энг ёрқин хотираларини акс эттирадиган кўзгу каби.

Онамнинг кўзлари – тинчлик ва хавфсизлик манбаи. Унга қараганимда бутун дунёнинг яхшилиги ва гўзаллиги ўша назарда мужассам бўлиб туюлади.



Азиз газетхон!
Мароқли дам олинг!



Мавлуда Асалхўжаева ижросида
«КЕТДИНГ» кўшиғи

Кетдинг сохта бахтнинг қасрига, Юрагимни узиб кетдинг.
Дил қолдими армон қасрига,
Тинч ҳаётим бузиб кетдинг...